ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 14 апрел,
шанба № 48 (2305)



# Миллий ғоя тарғиботи

Мафкура полигонлари ядро полигонларига қараганда кучлироқ эканлиги сўнгги йилларда янада аниқроқ намоён бўлмоқда. Инсон онги ва қалби учун кураш кетаётган айни пайтда маълум бўладики, ёт ғоялар оқими турли ҳудудлардан турли йўллар орқали кириб келаверади. Бунинг олдини олишда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, миллий ғоя тарғиботини кучайтириш талаб этилади.

Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари раҳбарлари ва шаҳар касаба уюшмалари қўмита ходимларининг навбатдаги ўқув мавзуси ҳам шу ҳақда бўлди.

Дастлаб анъанага мувофиқ иқтидорли, интилувчан талабаларни рағбатлантириш, уларнинг илм эгаллаш йўлидаги ҳаракатларини янада фаоллаштириш, қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган махсус стипендия ўз эгаларига топширилди. Олий ўқув юртларининг 5 нафар зукко талабаси Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши томонидан энг кам иш ҳақининг 12 баробари миқдоридаги стипендия ва 5 нафар ўрта-махсус ўқув юртлари талабалари эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат маркази»нинг Тошкент шаҳар Маънавият-тарғибот бўлими раҳбари Иброҳим Абдуғаниев маънавиятни шакллантириш, ўзликни англаш, миллий ғоя тарғиботи ва бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтди. «Маънавият ва маърифат маркази»нинг ҳар бир туманда мавжудлиги, улар олдида турган вазифаларнинг долзарблиги таъкидланди.

— Келажакни ёрқин тасаввур этиш учун бугунги ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан мукаммал қилиб тарбиялаш шарт. Улар онгида ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак. Мактабларда ота-оналар мажлисини мунтазам ўтказиш ва маҳаллаларда бу каби ишлар назоратини кучайтириш зарур, — деди И.Абдуғаниев.

Маънавият ва маърифат масалалари бўйича Тошкент шаҳар ҳокимининг ёрдамчиси, «Тошкент оқшоми» газетаси муҳаррири Акмал Акрамов ҳам мавзунинг долзарблиги, глобаллашган жамиятда юз бераётган воқеликка бефарқ қарамаслик, лоқайдлик кайфиятидан воз кечиш муҳимлигини қайд этди.

Қатнашчилар қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

**Мактуба МЎМИНОВА,**
«Ишонч» мухбири
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

Халқаро турнир

***Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида Президент соврини учун ўзбек кураши бўйича Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий VIII Халқаро турнир ҳамда қизлар ўртасидаги I жаҳон чемпионати баҳслари бошланди. Дастлабки беллашувлар ўзбекистонлик Х.Жўраев билан С.Жўрақулов ҳамда туркманистонлик З.Жабборова билан юртдошимиз Р.Шайхуддинова ўртасида бўлиб ўтди. Полвонларнинг ўзаро куч синашуви қизғин руҳда кечди. Узоқ беллашувлардан сўнг эркак полвонлар жуфтлигида С.Жўрақулов ўз рақибининг курагини ерга теккизди.***

# Дунё полвонлари Термизда

Қизлар ўртасидаги қизиқарли олишув мухлислар эътиборини ўзига тортди. Уларнинг чаққон ҳаракатлари, пайт пойлаб чил бериши алоҳида кўзга ташланди. Туркманистонлик Зарина Жабборова мезбон Румия Шайхуддиновага иложи борича узоқроқдан усул қўллашга интилди. 52 килограмм вазндаги бу қизлар баҳсида Румиянинг қўли баланд келди. Шундан сўнг Г.Каримова ва Ў.Рўзметова ҳамда Ш.Искандарова ва Г.Раҳмонова бир-бирига қарши гиламга чиқишди. Айниқса, Ш.Искандарованинг хатти-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ бўлди. У атиги 25 сонияда Г.Раҳмонова устидан соф ғалабага эришди.

Мусобақаларда қатнашиш учун Польша, Бразилия, Англия, Грузия, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия, Голландия, Қозоғистондан кураш усталари Термизга ташриф буюришди. Халқаро турнирда кураш мухлисларига яхши таниш бўлган бразилиялик Карлос Хонарато, кореялик Жун Канг, туркиялик Селим Татар ўғли, польшалик Жанус Кичовски, венгриялик Гергелу Урбан, грециялик Андреадис Георгиос каби меҳмон полвонлар, шунингдек, Б.Авазов, Р.Саидов, Ў.Қурбонов, Д.Чориев, А.Тангриев сингари маҳоратли ўзбек курашчилари майдонга тушиши кутиляпти.

Мутахассисларнинг фикрича, бу галги мусобақалар аввалгиларидан бир мунча фарқ қиляпти. Биринчи янгилиги қизлар ҳам гиламга тушаётганлиги бўлса, яна бир жиҳати полвонлар вазн тоифалари ҳамда мутлақ вазнда куч синашаяптилар. Ҳозиргача қозоғистонлик А.Чанаев, ўзбекистонлик А.Нурмуродов, Б.Шомуродов, И.Бобомуродов каби полвонлар илдамликни қўлдан беришмаяпти.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Мулоқот

***Бундан бир неча йиллар муқаддам Ғарб мамлакатларидан бирида ғалати тажриба ўтказишган эди. «Полиция дастидан уйимизда ҳам тинчгина ўтиролмай қолдик» каби норозиликларга жавобан эксперимент тарзида бир кунга ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларига ялпи дам бериб юборилганди. Қарангки, пешингача шаҳар кўчаларида ҳеч қандай тартибсизлик кузатилмаган, аммо тушдан кейин юз берган талончилик, ўғрилик, безорилик чўққисига чиққан.***

# «...АЛЛО, БИЗНИ ЭШИТАЯПСИЗМИ?»

Энди бир тасаввур қилинг-а, бир кунга барча телефонлар ўчирилиб, интернет орқали боғланишларнинг иложи бўлмай қолса, нима бўлади? Одамлар ишини битказиш учун биринчи навбатда таксига югуришади. Ўз-ўзидан тушунарлики, ёқилғи қуйиш шоҳобчалари тўлиб-тошади. Асабийликни айтмайсизми!

Бинобарин, ҳар бир касбнинг ўз зарурати ва хизмат доираси бор. Шу маънода алоқа ходимлари ҳам ўз касблари билан бемалол фахрланишлари мумкин. Бунга эса асослар етарли. Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши раиси Тоҳир НАЗАРЖОНОВ билан суҳбатимиз чоғида яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

***— Ҳавойи ва баландпарвоз таърифу тавсифларни бир четга қўйиб бор гапни айтадиган бўлсак, мақсад шуки, инсон дунёга яхши яшаш ва яхши амаллар билан яхши ном қолдириш учун келади. Бунда у танлаган касб, у ишлаётган ташкилотда яратилган шарт-шароит ва албатта, олаётган иш ҳақининг аҳамияти катта. Айтинг-чи, тармоқ ходимларининг бу борадаги фикри қандай?***

— Қанийди барча билан бирбир суҳбатлашиб чиқишнинг иложи бўлса! Лекин, айтишим мумкинки, ҳар бир жамоада соғлом муҳит яратилиши учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилаяпмиз. Қаердаки норозилик бўлса, ўша жойда майда гап-сўзлар урчиб, эмин-эркин ва хотиржам ишлаб бўлмай қолишини биз ҳам биламиз. Шунинг учун устувор вазифа — муносиб иш ва муносиб иш ҳақи тамойилига риоя этилишига ҳаракат қилмоқдамиз. Ижтимоий шерикчилик асосида соҳада иш берувчилар билан биргаликда қабул қилинаётган келишувлар ва жамоа шартномалари бунда ғоят асқотмоқда.

Ходимларни жамоа-шартномавий қамраш даражаси 99,9 фоизни ташкил қилишининг ўзи кўп нарсани англатади. Энг муҳим жиҳат шуки, келишув ва жамоа шартномалари аҳамиятининг ортиши иш берувчи билан касаба уюшма органларини қабул қилинган мажбуриятларни бажаришга янада масъулият билан ёндошишга ундайди. Дарвоқе, бу тўғридаги ахборотлар раёсат ва касаба уюшма йиғилишларида мунтазам равишда тингланиши йўлга қўйилган бўлиб, бундан ташқари, тасдиқланган режага мувофиқ келишув ва жамоа шартномаларининг бажарилиш натижалари филиаллар, корхона ва ташкилотлар меҳнат жамоаларининг мажлислари, конференцияларида кўриб чиқилмоқдаки, бу ҳам мавжуд муаммоларнинг жойида ечимини топишига хизмат қилади.

Кўзланган мақсад битта, у ҳам бўлса, ходимларнинг ўз иш жойига бўлган меҳр-муҳаббатига чега туширмаслик. Чунки, яхши шарт-шароит ва соғлом муҳит унумдорликни ошириш билан бирга эгалик ҳиссини ҳам шакллантиради.

***— Мен бир ташкилотни биламан: иш вақти тугагандан кейин ҳам бошлаб қўйган юмушини қизғаниб, меҳнатга муккасидан кетган ходимларни раҳбар «нима қилиб ўтирибсизлар, нима, уйларингиз йўқми?» дея қувиб юради.***

— Ишчи-хизматчининг ўз ишига бу даражада меҳр қўйиши, албатта, бежизга эмас. Меҳр-оқибатнинг қайтиши бу, аслини олиб қараганда. Демак, қилиб турган ишидан рози, олаётган маошидан рози, берилган имтиёз ва кафолатлардан рози.

Агар ўтган йил якунларидан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, барча филиал ва корхоналар томонидан навбатдаги меҳнат таътилида, биринчи марта қонуний никоҳдан ўтишда, пенсияга чиқишда, ўқув сессиясида, яқинларининг дафн маросимида, 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандлари тарбияси бўйича таътилда бўлган ходимларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Бу молиявий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлай олиш имкониятига эга бўлган барча корхона, муассаса ва ташкилотларга хос. Лекин бир нарсага эътиборингизни қаратишни истардим. Шундайки, ўтган йили 6782 нафар ходимга касб маҳорати ва меҳнатдаги ютуқлари учун устама ҳақ белгиланди ва ҳар ойда ўртача 17,2 минг сўмдан тўланди.

**(Давоми 2 бетда)**

**МАРКАЗИЙ БАНК АХБОРОТИ**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари 1016,67 | 1 БАА дирҳами 340,75 | 1 ЕВРО 1670,88 | 1 Хитой юани 161,90 | 1 Турк лираси 900,09 |
| 1 Англия фунт стерлинги 2461,72 | 1 АҚШ доллари 1251,13 | 1 Россия рубли 48,10 | 1 Кувайт динори 4324,68 | 1 Япон иени 106,19 |

Қутлов

# Эзгуликка иштиёқманд



Маҳмуда Мурзаевани таниганлар уни яхши билишади: тиниб-тинчимас, питракт бу аёлни хотиржам ҳолда кўриш қийин. Доим ҳаракатда. Инсон нимага эришса, ўз ҳаракати туфайлидир, деганлари рост экан. Ёшлигидан адабиётга ошно Маҳмуда опа ўқитувчи бўлиб юрган чоғларида ҳам янгиликка интилувчанлигини ташламади. Унга эҳтиром кўрсатилиб, «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси» нишони берилгани бежиз эмас. Дарвоқе, у ҳозирда Катта Дўмбиробод маҳалласининг хотин-қизлар қўмитаси раиси ҳамдир.

Айни пайтда М. Мурзаева Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлими мудири лавозимида ишламоқда. Бағрикенглик, софдиллик, самимийлик, инсонларга эзгулик улашиб яшаш опага хос фазилат. Унинг ғайрат-шижоати, элпарварлигига атрофдагиларнинг ҳаваси келади.

Тўрт нафар фарзанднинг меҳрибон онаси, 11 набиранинг севимли бувиси Маҳмуда опа ўзининг 55 ёшини қарши олаяпти. Унга соғлик-омонлик, ишларига баракотлар тилаймиз.

Тадбир

# Тилингни ихтиёрингда асрағил...

**Миллатнинг фикрлаш даражасини кўтарувчи, номини юксакларга олиб чиқувчи восита, шубҳасиз, маънавиятдир. Маънавият — халқ онги, тафаккури, бугуни ва эртасининг кўзгуси. Бу кўзгунинг тиниқлиги миллат келажагининг порлоқлигидан далолат беради. Шу ақидага амал қилган ҳолда юртимизда кишиларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.**

Куни кеча шаҳар савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшма кенгаши ҳамда «Тошбозортайёрловсавдо» бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида Чилонзор буюм бозори маъмурий биносида ўтказилган давра суҳбати ҳам ана шулар жумласидандир. Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирнинг асосий мавзуи миллий тил ва унинг бугунги ҳолати хусусида бўлди.

«Тошбозортайёрловсавдо» бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси А. Эргашев давра суҳбатини очар экан, тилимизнинг софлигини сақлаш, бу ҳақда қайғуриш фақат му-



тахассисларнинг эмас, ҳар бир ўзбек фарзандининг бурчи эканлигини таъкидлади. Тадбирда ЎзМУ журналистика факультети доценти З. Тоҳиров сўзга чиқиб, йиғилганларга «Давлат тили ҳақида»ги Қонун ва унинг ижросига доир муҳим маълумотлар ҳақида атрофлича тушунча берди.

**Дилдора РАҲМОНОВА**

# «...Алло, бизни эшитаяпсизми?»



(Боши 1-бетда)

Бири бирига ҳавас қилиб, бири биридан ўтаман деб ишлаганга не етсин. Соғлом рақобат бор жойда иш фақат олдига босади, маҳорат сайқал топади, малака ортади.

***— Меҳнатга лаёқатсизлик варақалари асосида тўловлар 2007 йилдан бошлаб корхона ҳисобидан амалга оширилади. Демакки, ходимларининг касал бўлмаслигидан корхона ҳам манфаатдор. Шундан келиб чиқиб меҳнатга лаёқатсизлик варақалари энг кам қайд этилган корхоналарни Марказий кенгаш томонидан рағбатлантириш йўллари йўлаб кўрилганми?***

— Ташаккур, жуда ажойиб таклифни ўртага ташладингиз. Буни албатта ўйлаб кўрамиз. Лекин, ўйлайманки, биз бу борада илк қадамларни аллақачон ташлаб улгурганмиз. Яъни, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида соҳа ходимларига спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш мақсадида «Энг яхши шароит яратган корхона» кўрик-танлови эълон қилган эдик. Якуни бўйича қўшма қарор эълон қилиниб, натижалари жойларга етказилди ва 2007 йилда ҳам ушбу тадбирни давом эттириш тавсия этилди.

Аввалambор, бунинг учун ташкилий масалага жиддий эътибор қаратилди. Яъни, соҳа ходимлари соғлигини мустаҳкамлаш, спортни оммалаштириш, бир сўз билан айтганда, спорт билан шуғулланишни уларнинг кундалик турмуш тарзига айлантиришга шароит яратиш мақсадида алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари (уларнинг таркибига кирувчи корхоналар, филиаллар, боғламалар, цехлар), корхона, ташкилот ва муассасаларда мавжуд бўлиши шарт ҳисобланган спорт ашёларининг рўйхати тасдиқланди.

Кўрик-танлов ўйлаганимиздан ҳам аъло даражада ўтди. Совринли ўринлар қуйидагича тақсимланди: биринчи ўрин «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Бухоро-Тошкент» филиалига насиб этди. «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти Самарқанд филиали жамоаси иккинчи ўринга лойиқ деб топилди. Учинчи ўринни «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси Бухоро вилояти «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонаси қўлга киритди.

Ўйлаб қарасак, жуда яхши иш қилган эканмиз. Баҳонада қарийб барча корхоналарида кичикроқ бўлса ҳам спорт билан шуғулланиш имкониятини берувчи ўзига хос бурчаклар ҳосил бўлди. Ростда, битта теннис столи олиш ёки волейбол майдончасини яратиш ёки бўлмаса, тренажёр залига эга бўлиш ҳеч қийин эмас. Муҳими, иштиёқ бўлса бас. Қарабсизки, танаффус пайтлари ёки ишдан кейин бир пасгина мушаклар чигили ёзилса, киши кун бўйи чарчоқ нималигини билмай юради, иши ҳам юришади.

Ўтган йил тажрибаси бошлаган ишимизни давом эттиришни, унга янгича мазмун киритишни тақозо этмоқда, албатта. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши раёсати буйруқ-қарорига биноан 2007 йилда ғолибларни рағбатлантиришга янада жиддийроқ аҳамият берилаётган бўлди. Аслида бу давр тақозоси. Меҳнатга лаёқатсизлик учун тўланадиган маблағларни корхонада шарт-шароитни яхшилашга сарфлаш икки жиҳатга кўра яхши. Биринчидан, биз йиллар оша орзу қилган соғлом турмуш тарзи таркиб топса, иккинчидан, меҳнат жараёнида кутилмаган ҳолатларга йўл қўйилмайди. Бу — маҳсулот сифатига путур етмайди ва мижозга кўрсатиладиган хизматда узилишлар бўлмайди, деганидир.

***— Касаба уюшмаси меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг ҳимоячиси. Ҳеч қаерда иши битмаган ишчи-хизматчи охир оқибат касаба уюшмасига мурожаат қилади. Ишонч оқланса — яхши, оқланмаса-чи?***

— Аввалambор айтишим лозимки, ёзилган ҳар бир ариза ёки мурожаат ортида инсон тақдири ётади. Шунинг учун ушбу хатларни текшириш зиммасига юкланган мутахассисдан масалага ўта ҳушёрлик билан ёндошиш талаб этилади. Кейин: дўппи олиш кифоя қилинган жойда бошни танадан жудо қилишга ошиқиш ҳам тўғри эмас. Шундай қилиш керакки, қонунийликдан заррача бўлсин чекиниш бўлмасин. Адолатнинг қарор топиши эса ҳеч кимнинг кўнглини заха қилмайди. Ҳамма гап ана шунда.

Марказий кенгашга ўтган йили тушган 24 та ёзма ариза ҳамда 46 та оғзаки мурожаатлар таҳлилига кўра, меҳнат шартномасини бекор қилиш, иш жойларини қисқартириш ва ходимларни иш билан таъминлашга оид масалалар (8 та ҳолат), ходимларга жамоа шартномаларида кўзда тутилган қўшимча имтиёзлар ва моддий ёрдам бериш (4 та ҳолат), соғлиққа етказилган зарар учун тўловларни ундириш (5 та ҳолат) тўғрисидаги шикоятлар кўриб чиқилди.

Қайд этилган ёзма мурожаатнинг 21 тасида, яъни 87 фоизида ходимларнинг қонуний талаблари ифодалангани учун қаноатлантирилганлигини ҳамда ўрганишлар натижасида ариза ва шикоятлар ўз исботини топганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Масалан, «Қашқадарё телеком» филиалининг Яккабоғ телекоммуникация боғламаси ходимларига ноқулай иқлим шароити учун ойлик иш ҳақига 20 фоизлик устама ҳақ тўлаш тўғрисида мазкур филиал директорининг буйруғи чиқарилишига эришилди. Шунингдек, Деҳқонобод туманида почта-алоқа бўлими бошлиғи Жўрабек Арабовга нисбатан қўлланилган интизомий жазо чораси асоссиз деб топилди ва у ўзининг аввалги ишига тикланди. Андижон шаҳрида яшовчи Мўътабархон Самиддинованинг иш стажини тиклаш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилди. Иштихон туманилик Эркин Турсунов мутахассислиги бўйича иш билан таъминланди.

Шу йилнинг ўтган уч ойи давомида Марказий кенгашга соҳа ходимларидан 5 та ёзма шикоят ва ариза тушди. Уларнинг айримлари хусусида батафсилроқ фикр юритиш мумкин. Масалан, Боёвут қўрғони Фурқат кўчаси 9-уйда яшовчи алоқа ходими Татьяна Мишченконинг соғлигига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги «Ишонч-Доверие» газетасига қилган мурожаати касаба уюшмаси томонидан ижобий ҳал этилди. «Сирдарё телеком филиали» ҳисобидан ходимга товон пули ундириб берилди ва ҳар ойлик қўшимча тўлов тўғрисида буйруқ чиқарилди.

Яна бир мисол. Тўрткўл туманида яшовчи почта ходими Маҳмуддин Мухановга нисбатан иш жойи қисқартирилганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилингани асоссиз деб топилиб, у 24 феврал куни ўзининг аввалги ишига тикланди ва унга мажбурий равишда бекор юрган вақти учун уч ойлик ўртача иш ҳақи ундириб берилди.

Фикримизча, айрим раҳбарлар томонидан ходимларнинг қонуний меҳнат ҳуқуқларини назар-писанд қилмаслик, Меҳнат кодекси талабларини бажармаганлиги учун уларга етарли даражада жавобгарлик қўлланилмаслиги туфайли, одамлар жабр кўрмоқда, бу уларни шикоят ва аризалар билан турли идораларга мурожаат қилишга мажбур қилмоқда. Товон ундириб берилди, ишига тикланди каби натижаларга эришиш учун қанчадан-қанча ташкилот овораи-сарсон бўлмайди, ахир.

Бас, шундай экан, ҳаммаси адолат тантанасига оид бўлиши, яъни меҳнат жамоасида қонун талаблари бажарилишини таъминламаган ёки ходимларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини бузишда айбдор бўлган раҳбар шахслар интизомий жавобгарликка тортилиши даркор. Кези келганда айтишим лозимки, бу йўналишда бизнинг соҳада муайян ишлар амалга оширилган. Тармоқ келишувининг «Иш ҳақи, компенсация, қўшимча тўловлар ва пул мукофотлар тўлаш тартиби» бобининг 8.5 бандида шундай жумла бор: «Иш берувчининг айби билан иш ҳақи мунтазам равишда ўз вақтида тўланмаган ҳолларда (йилига икки ва ундан ортиқ марта), унинг эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилади».

Биз бунга ўн бир йилдан бери амал қиламиз ва эҳтимолки, шу боис тармоқда иш ҳақидан қарздорликка барҳам берилган.

Инсон ёлғиз ҳолда яшай олмайди, жамият ичида, ана шу жамиятнинг узвий бир бўлаги сифатида умргузаронлик қилади, бир қарашда шахсийдек туюлган орзу-умидларини амалга ошириш баробарида жамиятга ҳам фойдали амаллари билан ўз улушини қўшиб боради. Ҳаёт фалсафаси ҳам шундан иборат, унга риоя қилиш эса ҳар кимнинг виждонига ҳавола.

**Суҳбатдош: Зайниддин РИХСИЕВ**

Мулоҳаза

# Давр билан ҳамнафас бўлайлик

## Ижодда бир қолипга тушиб қолиш – ташаббусни, изланувчанликни ва ҳозиржавобликни сўндиради

***Мустақиллик йилларида ўзбек матбуоти катта ютуқларга эришди. Бу ютуқлар фақат газеталар, журналлар, радиолар ва телестудиялар сони кўпайганлиги билан ифодаланмайди. Уларнинг мазмун-моҳияти ва йўналишлари ҳам ўзгариб кетди. Энг муҳими, мустақил ва нодавлат оммавий ахборот воситалари пайдо бўлди. Матбуот эркинлиги таъминланди. Ҳатто давлат нашрларида ҳам цензура йўқолди. Биз журналистлар саҳифага қўйилган материалим ўтармикан, деб юрак ҳовучлаб ўтирмайдиган бўлдик. Ишқилиб ёзганимиз қолиб кетмаяпти. Танлов имкониятимиз катта.***

Энди биз собиқ иттифоқ давридагидек, марказ сайрагандек сайрамасдан ёки ўзгалардан нусха кўчирмасдан эркин фикрлаб, эркин ёзяпмиз. Ўзбек журналистлари бугун жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга ҳамда сиёсий жараёнларга ўз нуқтаи назарлари билан баҳо бермоқдалар. Баъзи ёш ҳамкасбларимнинг халқаро шарҳларини ўқиб севинганимдан ўзимни қўйишга жой тополмайман ва қўнғироқ қилиб табриклайман. Илгари сиёсий шарҳловчилик ваколатига бармоқ билан санарли кишиларгина эга эдилар.

Ёш ҳамкасбларимга бир нарсани айтиб ўтишни жуда-жуда истар эдим. Илгари совет давлати раҳбарлари журналистлар билан мулоқотда бўлишмасди. Масалан, Хрушчев йиғилишлардаги узундан-узоқ нутқларида баъзан журналистлар шаънига бир оғиз сўз айтиш билан (эҳтимол куёви журналист бўлгани учундир) чегараланган бўлса, Брежнев давлатни салкам йигирма йил бошқарган бўлишига қарамасдан мухбирларга бир марта ҳам интервью бермаган. Ундан ўтиб бошқа раҳбарлар ҳам журналистлар билан очиқ мулоқотга киришишдан ўзларини олиб қочишган. На собиқ иттифоқ миқёсида ва на республика миқёсида бўлсин журналистлар журъат этиб биринчи раҳбарга савол беришолмаган. Бундай имконият бизга фақат мустақилликдан кейин яратилди. Президент Ислом Каримов дастлаб ўша тарихий 1991 йилда «Халқ сўзи» газетасига интервью берган бўлса, кейинчалик бундай интервьюлар кўплаб нашрлар юзини кўрди. Охирги марта «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигига берилган интервьюдан яхши хабардорсиз. Бундан ташқари турли учрашув ва анжуманларда, расмий ташрифлар пайтида, аэропортларда, бунёдкорлик ишларини кўздан кечириш жараёнида ва бошқа ҳолатларда Президент билан журналистлар ўртасида бўлаётган очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқотларни кўриб турибсиз. Бундай мулоқотлар журналистлар фаолиятига давлат миқёсида эътибор берилаётганлигидан далолат беради. Аслида бу юксак ишонч бўлиб, бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.

Хўш, биз бу ишончни қай даражада оқлаяпмиз?! Зиммамиздаги масъулият ҳиссини сезяпмизми-йўқми? Қаерларда ижобий ўзгаришлар кўзга ташланяпти-ю қаерларда йўқ? Албатта, мен бу саволларга ўз кузатишларимдан келиб чиқиб жавоб излайман. Аввало, буни хулоса эмас, фикр-мулоҳаза ўрнида қабул қилишингизни истардим. Фикр эркинлиги ҳар биримизга шундай ҳуқуқ беради.

Биринчи айтадиган гапимиз шуки, аксарият газеталарда ҳамон бир хиллик, жанрлар қашшоқлиги мавжуд, қарорлар ва дастурлар шарҳларида юзакилик, яъни таҳлил қилиш, муносабат билдириш ва ҳаётий мисоллар билан боғлаш ўрнига цитатабозлик ҳамда статистик ҳисоботларни қалаштириб ташлаш кузатилмоқда. Масалан, ўтган йил якунларига бағишланиб Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлис билан боғлиқ ҳолатни олайлик. Президентнинг маърузасида қаерда ва қайси соҳада аҳвол қандайлиги, ютуқ ва камчиликлар нимадан иборат эканлиги, кўндаланг бўлиб турган муаммоларнинг моҳияти очиқ-ойдин баён қилинди. Баъзи газеталар, асосан бир неча нашрлар маърузада баён қилинган қоида ва хулосаларни жойлардаги ҳаётий мисоллар билан боғлаб шарҳлаш ёки таҳлил этиш ўрнига бир неча сонлар мобайнида маърузадаги айрим хатбошиларни айнан бериб қўяқолиш билан чекланишди. Ҳеч бўлмаса уларга бир оғиз шарҳ ҳам беришмади. Бу энг осон йўл. Цитата берилдими, тамом-вассалом, маъруза тарғиб қилинди. Унда маърузанинг моҳиятини, баён қилинган қоида ва хулосаларнинг аҳамиятини, жамиятимизда ва ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларни газетхонга ким тушунтириб беради? Албатта, бу журналистнинг бурчи. Агар у ўз вазифасини фақат цитата кўчиришдангина иборат деб билса ва шунга ўрганиб қолса, фикрлаш қобилиятидан мутлақо ажраб қолади.

Баъзи газеталарда бундай ҳолатни «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурига муносабатда ҳам кўриш мумкин. Дастурда ундай дейилган, дастурда бундай дейилгандан нарига ўтилмайди. Цитатабозлик одат тусига кириб қолган. Жойларда дастурнинг ижросини таъминлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган. Уларнинг ижро муддатлари бор. Мана, йилнинг биринчи чораги ҳам якунланди. Демак, белгиланган вазифалар бўйича жойларда шу пайтгача қандайдир ишлар қилинди, ҳозир ҳам қилиняпти. Айрим нашрларда ана шу ишлар кўрсатилмасдан, аксинча, яна дастурдан цитата кўчиришлар давом эттирилмоқда.

Ноқулай бўлса ҳам айтайлик, айрим газеталарнинг асосий материалларини хабар ва корреспонденциялар ташкил этади. Бошқа жанрлар деярли йўқ бўлиб кетяпти. Берилаётганлари ҳам асосан турли ахборот агентликларидан ҳамда интернетдан олинаётган ва бошқа манбалардан кўчирилаётган материаллар. Бундай пайтда ўринли савол туғилади: газеталарнинг ўз ходимлари нима иш қилишяпти? Ўзлари ёзишмаса, жанрларнинг хусусиятларини билишмаса, матбуотнинг жамият олдидаги бурчини англаб етишмаса, кўчирмачилик билан жон сақлашса, эҳтимол улар журналистикадан бехабар одамлардир? Истиҳола юзасидан номини айтмайман, илгари ҳамма севиб ўқийдиган бир газета бўларди. Мавзуларнинг ранг-баранглиги, жанрларнинг турли-туманлиги, ҳаётий муаммоларни кўтариб чиқишдаги ҳозиржавоблиги билан газетхонларнинг эътиборини қозонган эди. Бу нашр ҳозир ҳам чиқяпти, бироқ деворий газетага ўхшаб қолган. Албатта, журналист бўлганимиз учун жонимиз ачийди.

Журналистика соҳасида мамлакатимизнинг ижодий имкониятлари катта. Биздаги ижодий кучлар биргаликда ҳар қандай газетани ўқишли қилишга қодир. Бу кучларни жалб қилишга газетанинг ўзи интилиши керак. Юқорида биз назарда тутган газетага ҳам бу борада ҳеч ким тўсқинлик қилмайди. Газетанинг шундай аҳволга тушиб қолишига ижодий жамоанинг ўзи сабабчи. Ўзининг қобилиятли ва ҳозиржавоб муаллифларига таянмаган, янги муаллифлар ахтармаган, ижодий ходимлар маҳоратини оширишга эътибор бермаган, жамоада лоқайдлик ва ўзибўларчиликка йўл қўйган, ишда бир қолипга тушиб қолган газета инқирозга юз тутади. Бундай пайтда мажбурий обунага таяниб жон сақлаш билан вазиятдан чиқиб бўлмайди.

Умуман, журналистикада маҳоратни тижоратдан ажрата билиш керак. Агар журналист ўз маҳоратини ошириш устида ишламасдан, фақат таҳририят учун пул топиш билан овора бўлиб қолса, у мухбир эмас, реклама идораси ходимига айланиб қолади. У шу куннинг долзарб мавзуси, қарорларнинг бажарилиши, муаммолар ҳақида эмас, кун-у тун даромад ҳақида ўйлайди. Уни туширган пулининг қанча фоизини олишгина қизиқтиради. Шунинг учун газетанинг юзи, кўзи, шаъни бўлган материалларни тайёрлайдиган маҳоратли ва қобилиятли журналистлардан ҳадеб пул туширишни талаб қилавериш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Шундоқ ҳам ҳар бир жамоада реклама ва тижоратга мойил ходимлар бўлади. Пул туширишни ўшаларга қўйиб бериш, бошқалардан янги мавзу ва долзарб мақолалар талаб қилиш керак.

Бор ҳақиқатни очиқ айтиш керак, журналистлар сафида маҳоратни манфаатга алмаштирган ҳамкасбларимиз ҳам йўқ эмас. Улар буюртма бўйича ишлашади. Яъни, моддий ёки бошқа манфаатдан келиб чиқиб, бировни танқид қилишади ёки мақташади. Тижорат ниқобида ёки яширин ҳолатда амалга ошириладиган бу иш аслида ёмон иллат бўлиб, аввало, журналист деган юксак номга, қолаверса, газетанинг шаънига доғ туширади. Матбуотнинг холислиги ва ҳаққонийлигига путур етказади. Халқнинг орасида эса матбуотга ва журналистга ишонч йўқолади, газеталар саҳифаларида кўпроқ ҳалол-пок ва диёнатли инсонлар эмас, аксинча, турли қинғир йўллар билан бойлик орттирган пулдор одамлар ҳақида ҳикоя қилинадиган бўлади. Афсуски, айрим газеталарда давлат аҳамиятига эга, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан муҳим ҳисобланган, шу куннинг долзарб масалалари кўтарилган материаллар кичик сарлавҳаларда, эътиборсиз ҳолатда ички бетларга кўримсиз қилиб бериладида, қандайдир олди-қочди воқеа-ҳодисалар, маънавиятсизлик ва ахлоқсизлик билан боғлиқ ҳолатлар ҳақида ҳикоя қилинган ёки бир бойваччанинг шахсияти, ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ёзилган материаллар кўзга кўринарли жойга, катта-катта ҳарфларда терилган сарлавҳа ва рукнларда безаб, ёйиб берилади.

Менимча, олди-қочдига алоҳида урғу бериш бизнинг миллий матбуотимизга, умуман, барча турдаги оммавий ахборот воситаларимизга ярашмайди. Мен «Би-Би-Си», «Евроньюс», «Вести», «Время», «Сегодня» — ҳаммасини кўриб бораман. Жуда кўп ҳолларда кўрсатувни одам ўлдириш, портлаш, ёнғин, тошқин, авария, суиқасд, ўз жонига қасд қилиш ва бошқа ҳолатлар-у ваҳшийликлар ҳақидаги хабарлар ҳамда тасвирлар билан бошлашади. Шу нарсаларни охирроғида беришса бўлмасмикан, дейсан баъзан ўйланиб. Вужудингизни ваҳима босганидан кейин бошқа хабарларнинг аҳамиятини идрок этолмай қолар экансиз. Бир сафар «Евроньюс» бир ойга яқин ўз кўрсатувларини фоҳишалардан бошлади. Ҳар куни 48 марта такрорланишини эътиборга олсангиз, хаёлингизни дунёнинг бошқа ташвиши йўқ экан-да, деган фикр чулғаши ҳеч гап эмас. Шунинг учун олди-қочдида қандайдир меъёр бўлиши керак. Бу газеталарга ҳам тегишли гап.

Афсуски, олди-қочди нарсаларни ёзадиган газеталар кўпайиб кетди. Уларни санаб саноғига етолмайсиз. Кўпи кўчирмачиликка ўрганган. Турли манбалардан кўчириб, муаллиф сифатида ўз имзоларини қўяётган ҳамкасблар ҳам бор. Илгари роман ёки қисса ёзиш ижодий муҳитда эътибор тортадиган катта воқеа саналган бўлса, ҳозир сюжет ўғирлаб, қаҳрамонлар номини ўзгартириб бир-икки ҳафтада битта саргузашт-қисса ёзиб ташлаш оддий воқеа бўлиб қолганидек, олди-қочди мақолалар ёзиш ҳам тажриба ва маҳорат талаб этмай қолди. Шундай мақолаларни ўқишга ўрганган ёшлар миллий ғоя ва мафкуранинг моҳиятини қаёқдан билишсин? Бу борада қабул қилинган қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг самараси қай даражада бўлади? Умуман, маънавиятсизликни тарғиб қиладиган матбуот миллий мафкурага зарар етказмайдими?

Шунинг учун ўзбек миллий матбуотини, ўзбек журналистикаси асослари ва қадриятларини ҳар хил бетайин нашрлар фаолияти билан боғламаслик керак.

Албатта, асосий газеталар — ҳукумат ва партия нашрлари, турли вазирлик, муассаса, идора, жамоат ташкилотлари муассислигида чиқаётган газеталар қизиқарли, мазмунли, ранг-баранг ва ҳозиржавоб бўлишлари шарт. Бунинг учун, аввало, журналист кадрлар танлашда адашмаслик керак. Бунда мутахассиснинг дипломи, чет тилни билиши ёки хорижда ўқиб келганлиги эмас, балки тажриба ва маҳорати, фикрлай олиш, дунёни англаш ва идрок этиш қобилияти муҳим. Буни танлов ҳамда синов асосида аниқлаш мумкин. Фикрлай олмайдиган журналист хабардан ёки корреспонденциядан бошқа жанрда ёза олмайди. Ҳозир ҳатто йиғилишлардан ҳам ҳисобот ёки репортаж ўрнига хабар ёзиш билан чегараланиб қолиняпти. Таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, таъмагирлик — булар ижодий жамоаларда кадрларни тўғри танлашга тўсиқ бўлаётган иллатлардир. Бу иллатлар бартараф этилмас экан, газетани севиб, излаб топиб, қизиқиб, мириқиб ўқийдиган қилиб чиқаришнинг иложи йўқ.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўзланган мақсад бировни танқид қилиш ёки ҳакамликка даъвогарлик эмас, аксинча, ишимизни яхшилаш юзасидан мунозарага даъват. Ватан, жамият, халқ олдидаги бурчимиз, зиммамиздаги масъулият, журналистлик шаъни шуни тақозо этади. Газетанинг, умуман, матбуотнинг номи улуғ, қалам ҳақининг эса нони ширин. Ижодимиз шунга яраша бўлгани яхши.

**Иброҳим НОРМАТОВ**

***Кўзгуга қараган одам чиройидан кўра нуқсонини қидиришга тушади.***

***Ўзингизни чиройлиман десангизгина бошқалар ҳам шуни тасдиқлайди.***

***Сиз ўзингизни хунукман деб, бир вақтнинг ўзида бошқаларга ёқишингиз мумкин.***

***Ички зиё ва қалб ҳарорати — бу гўзалликнинг асл исмидир.***

***Одамларнинг қийшиқ тишларингиз билан заррача иши йўқ, аммо улар жон деб табассумингизни қабул қилади.***



# Чиройлиманми?

Ҳамма ташқи кўриниши ҳақида қайғуради, чунки кўпчилик ташқи кўринишга қараб баҳо беради, деб ўйлайди. Руҳшуносларнинг таъкидлашича эса, қанча кўп кўзгуга тикилсак, шунча одамларни ўзимиздан итарамиз. Кўринишига қаттиқ эътибор бермайдиган одам энг гўзал инсондир.

Чиройли бўлишни истайсизми? Гўзал бўлишни исташ табиий интилиш. Чунки истараси иссиқларга яхши муомалада бўлишади, она ҳам ёқимтой фарзандини бошқача суяди, ўқитувчи ва иш берувчи ҳам уларга "чегирма" қилади. Ва ниҳоят улар севимли ёр бўлади. Уларга ҳатто судда ҳам қаттиқ чора кўрилмайди. Буларнинг бари ёлғон ва сиз ўзингизни "чиройлилар клуби" аъзоси эмасман, десангиз катта хато қиласиз.

Балки сиз тасаввурингиздаги қиёфангиздан-да мафтункордирсиз?

Руҳшуносларнинг фикрича, одам доим ҳам ўзига холис баҳо бермайди. Кўпчилик ўзига, кўринишига танқидий кўз билан қарашга мойил. Кўзгуга қараган одам чиройидан кўра нуқсонини қидиришга тушади. «Манави одамга қирра бурун шундай ярашадики, бу унинг қатъийлигининг белгисига ўхшайди. Менинг бурним эса юзимга ҳечам ярашмайди». Қайсидир меҳмондорчиликда ўзимизни энг чиройли ё энг хунук деб биламиз. Айнан ўша куни бошқа бир вазият туфайли фикримиз яна ўзгаради. Агар кўринишимиз ҳақда ўз фикримиз бўлмаса, дўст ва яқинларимиз гапларига ишонмасак, ўз-ўзидан бегоналарнинг бизга қандай баҳо беришига қизиқамиз. Айнан шу мақсадда европаликлар интернетда фотосуратлар сайтини яратишган. Исталган киши аноним равишда ўз суратини одамлар ҳукмига ҳавола қилади. Кунига икки миллион одам асл қиёфасини билиш учун шу сайтга кириб кўради. Бу одамлар ўзига нақадар ишонмаслигига яққол далилдир.

Бир яхши хабар бор: эҳтимол, ўйлаётганингиздан ҳам чиройлидирсиз. Биласизми нега? Чунки бошқалар ҳам ўз нуқсонини ўйлаш билан овора, сиз уларга чиройлироқ бўлиб кўринасиз. Агар сиз ҳам уларга ўта синчков ва танқидий ёндошсангиз, ўзингиз улардан чиройли эканингизга амин бўласиз. Демак, миянинг энг ноёб хусусиятларидан бири – жисман ўзгармай туриб қиёфангиз ҳақидаги маълумотни ўзгартиришдир. Ўзингизни чиройлиман десангизгина бошқалар ҳам шуни тасдиқлайди. Буни руҳий пардоз деса бўлади: қиёфангиз бетакрор ва ноёблигига ишонч ҳосил қилсангизгина, ҳақиқатда чеҳрангиз ёришади.

Нега ўзимиз ҳақимиздаги фикр баҳор шамолидек ўта ўзгарувчан? Кўчада бироз сайр қилибоқ кайфиятингиз ўзгаради. Мияда тўхтовсиз равишда ахборот йиғадиган сенсорлар бор. Агар ўзингиздан хунук одамлар қуршовида бўлсангиз, ўзингизни чиройли, акс ҳолда эса хунук деб биласиз. Таққослаш ўз-ўзидан ва жуда тез содир бўладиган жараёндир. Ўз қиёфангиз ҳақидаги тасаввур мана шундай мингларча таққослашлардан ҳосил бўлади. "Бўйим 1,55 см бўлишига қарамай жуда келишганман", — дейди малакали косметолог Нодира Шарипова. У ўзи шундоқ ҳам чиройли бўлган қизларнинг яна-да чиройли бўлишига ёрдам беради. "Аммо олдимга ҳар куни келишган, бўйи узун, озғин қизлар келаверганидан ўзимни бесўнақайдек ҳис қиламан. Кечга бориб, яна аввалгидек ўзимни ёқимтой деб ўйлай бошлайман. Бир кунда икки оламда яшаётгандекман".

Аёлларнинг ижтимоий муносабати ва муваффақияти қисман кўринишига боғлиқ бўлгани учун улар атрофдагиларнинг фикрига ўта таъсирчан. "Аёл ўзига баҳо бермоқчи бўлса, кўпинча ўзини дунёдаги энг чиройли актриса ва фотомоделлар билан солиштиради. Бу нотўғри ва нохолис таққослаш усули. Ўз интеллектуал қобилиятингизни билмоқчи бўлсангиз, ўзингизни Эйнштейн билан эмас, сизга анча яқин бўлган одам билан таққосланг. Шунда адашмайсиз", — дейди руҳшунослар. Улар ғалати бир тажриба ўтказишди. Бир гуруҳ аёл ва эркакларни математика бўйича имтиҳон қилишди. Ҳар икки жинснинг мантиқий фикрлаш қобилияти бирдек, фақат бир шарт билан – агар улар бирдек кийинган бўлса. Эркакларни ички кийимда яна бир бор имтиҳон қилишганда, уларнинг фикри хаёли ташқи кўринишида бўлгани сабабли кўп хато қилишган.

Ўзига жуда катта эътибор берадиганлар кўпинча хунукман, деб ўйлайди. Айниқса, кўпчилик олдида қобилиятини намойиш қилишдан қўрқадилар. Бундай одат ҳаммага таниш: уйдан жуда зарур бўлганда чиқади, кўздан йироқда ўз дунёси билан банд бўлишади. Руҳшуносларнинг кузатишича, аслида бундай одамлар жуда кўпчиликка ёқади. Демак, энг муҳими – ички кўзгумизнинг алдамаслиги. Сиз ҳам ўзингизни хунукман деб ўйлаб бир вақтнинг ўзида бошқаларга ёқишингиз мумкин.

Ўзимизни чиройли ё хунук деб билишимиз ота-онамизга ҳам боғлиқ. Боланинг ташқи кўринишига катта эътибор бериш, унга тоза-кирлигини эслатиб туриш ҳам унинг ўзига паст баҳо беришига олиб келади. Очиқчасига боласига «хунуксан» қабилида тамға босадиганлар ҳам йўқ эмас. "Фарзандни қандай бўлса шундайлигича қабул қилиш, ҳар бир нигоҳини табассум билан қаршилаш уни ўзига чиройли кўрсатишдир", — дейди Майн университети психолог-профессори Т.Виллиам.

Аммо ҳар доим ҳам болалик инсоннинг ўзи ҳақидаги фикрига таъсир қилавермайди. Масалан, ўсмирликда кўпчилик ўзини озғин, бесўнақай, кучсиз деб тасаввур қилади. Вақт ўтгач тана тўлишиб, бу нуқсонлар йўқолади ва аввалги фикрдан қайтилади.

Хаёли "Чиройлиманми?" деган саволдан холи бўлганларнинг фикри жойида, улар мактабда ҳам, ишда ҳам диққатини йиғиб, вазифаларини яхши бажарадилар.

Кўриниши чиройли бўлганлар аслида ўзига ишончи суст одамлардир. Чунки уларни фақат кўриниши учун мақташади. Кўпчилик чиройли одам ўзига катта баҳо беради деб ўйлайди. Ундай эмас. Мафтункор одам ўзига ўта талабчан бўлиб, ўзини фақат чиройли либос ё соч турмаги бўлгандагина гўзалман деб ўйлайди. Дидига ёқмайдиган оёқ кийим ҳам уни хунук қилиб қўйиши мумкин.

Гўзаллик ҳам бошқа фазилатларга ўхшайди: чиройни наслдан олганлар ота-онасидан миннатдор бўлса, гўзал бўлишга тинимсиз интилганлар уни ишлаб топган нарсадек қадрлайди. Аслида, гўзалликнинг на насл ва на қандайдир меъёрларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ички зиё ва қалб ҳарорати – бу гўзалликнинг асл исмидир. Олимлар бу фикрни қуйидаги тажриба билан тасдиқлашди. Улар бир гуруҳ одамлар ўтирган хонага бегонани олиб кириб таништиришган ва ўтирганлардан таассуротларини сўрашган. Бегоналарга баҳо берганда кўпчилик ташқи кўринишига эмас, унинг характер хусусияти, хулқ-атворини ҳисобга олади.

Валери Уайт ўзининг "Бошқаларнинг сизга муносабати ҳақида нималарни билмайсиз?" деган китобида шундай дейди: ***«Агар бошқалар сиз ҳақингизда яхши тасаввур ҳосил қилишини истасангиз, аввало кийимингиз эмас, қанчалик самимий ва очиқ кўнгил эканингизга эътибор беринг. Одамларнинг қийшиқ тишларингиз билан заррача иши йўқ, аммо улар жон деб табассумингизни қабул қилади».***

Кўзгу олдида камроқ туринг ва сизни алдаётган ички кўзгуингизни синдириб ташланг, шунда чинакам гўзал бўласиз. Ушбу маслаҳатларга амал қилсангиз гўзаллик сизнинг доимий дўстингизга айланади.

1. **Ўзингизни гўзаллар билан таққосламанг.** Шу вақтгача ўзингизни бошқалар билан солиштириб ҳеч қандай натижага эришолмаганингизни тан олинг. Улар табиатнинг сизга ўхшаш бир ноёб санъат асари.

2. **Бошқалар сизни бошқаришига йўл қўйманг.** Агар яқинларингиз ё дўстингиз сизни чиройли эмассан, деб ишонтирса, бошингизни қотириб ўтирманг. Бу сизни бошқариш ва ҳаётингизга аралашишнинг энг осон ҳамда ўта тубан йўлидир. Чунки ҳеч ким бекордан-бекорга бировни танқид қилмайди. Агар улар чиройли бўлишингизни исташса, бошқача йўл тутган бўларди.

3. **Фақат ўзингиз ҳақда ўйлайверманг.** Бу сизни ўта шафқатсиз қилиб қўяди. Атрофингиздагиларга эътибор беринг, уларга ҳам қизиқиб кўринг. Дўстларингиз билан учрашинг, кўпроқ одамлар билан бўлинг, шунда ҳақиқатда ўхшаши йўқ эканингизни англайсиз.

4. **Тана бир воситадир.** У қотиб қолган, барқарор нарса эмас. Ундан юриш, рақсга тушиш, ишлаш учун фойдаланса бўлади. Аёлларга қараганда, эркаклар таналарига томоша қилиб эмас, ишлаётган, ўзгариб турадиган нарсага қарагандек қарайдилар. Организмдан хомашё сифатида моҳирлик билан фойдаланинг – спорт билан шуғулланинг, сузишга қатнанг, фойдали маҳсулотларни истеъмол қилинг. Албатта, натижасини сезасиз.

5. **Ички косметикадан фойдаланинг.** Бемаъни хавотирлар, луғатингиздаги "семиз", "озғин","хунук" сўзларидан халос бўлинг. Кўринишингиздан ташқари бир дунё фазилатларингиз борлигини унутманг.

6. **Ҳамма учун самимий бўлинг.** Очиққўнгил эканингиз ҳам, кийимингиз ҳам, ўзингизни тутишингизда билиниб турсин. Мода орқасидан қувиш сизни бадтар одамлардан итаради.

7. **Ёшнинг аҳамияти йўқ.** Нечага кирганингиз чиройли ё хунук қилмайди, муҳими, ҳар нарсани юрагингизга яқин олманг. Баъзан элликка кирганлар босиқ ва хотиржам бўлгани учун ҳам ёшларга қараганда чиройли кўриниши мумкин.

8. **Чирой бахтли қилмайди.** Гўзаллар сиз ўйлагандек бахтли бўлавермайди. Яхшиликка ишониш ва интилиш, одамлар билан мустаҳкам алоқа қилиш инсонни чинакам бахтли қилади. Ижтимоий сўровларнинг кўрсатишича, бахтли одам – бу ҳар нарсанинг яхши томонини кўра оладиган одамдир. Қиёфангиз ички гўзаллигингизнинг акси эканини унутманг.

**Гулгун СУЛТОНОВА тайёрлади**



# Ҳуқуқий сабоқлар

Саҳифа учун масъул: Довуд МАДИЕВ



**Қонунга таяниб, қаламни қурол айлаб, меҳнат аҳлининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қиламиз.**

**Савол: Иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни қандай муддатда огоҳлантиради?**

**Жавоб:** МКнинг 102-моддасига асосан иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни қуйидаги муддатларда огоҳлантириши талаб этилади:

— ходимлар сони қисқарганлиги ёки корхонанинг тугатилиши муносабати билан бекор қилинганда камида икки ой олдин;

— корхона мулкдори алмашганда шу корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда камида икки ой олдин;

— ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилинганда камида икки ҳафта олдин;

— ходимнинг айбли ҳаракатлар содир этганлиги туфайли бекор қилинганда камида уч кун олдин.

Ушбу огоҳлантириш муддатларига ходимнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври, шунингдек, давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган вақт ҳисобга олинмайди (корхона тугатилиши сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно).

**Савол: Қандай ҳолларда муддатли меҳнат шартномаси тузилади?**

**Жавоб:** Меҳнат кодексининг 76-моддасида ушбу саволга аниқлик киритилган. Унга асосан: ходим бажарадиган ишни маълум вақт ўтиши билан объектив сабабларга кўра давом эттиришнинг имкони бўлмай қоладиган ҳолатларда (масалан, ўт ёқувчини иситиш мавсумига ишга қабул қилиш);

ишни бажариш шартлари ходимни номуайян муддатга ишга қабул қилиш имконини бермайдиган ҳолатларда (масалан, ходимни касаллик ёки таътил давридан ишга қайтгунига қадар ишга қабул қилиш);

ходимнинг ўзи манфаатдор бўлган ҳолатда (масалан, пенсия ёшига етгунига қадар; талабанинг ёзги меҳнат даврида ишга қабул қилиниши) муддатли меҳнат шартномаси тузилади.

**Савол: Қандай ҳолларда ва қачон ходимга меҳнат дафтарчасини олиб кетиш тўғрисида почта орқали билдирув хати юборилиши керак?**

**Жавоб:** Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт (МК 108-моддаси). Меҳнат шартномаси бекор қилинган ходим ишда бўлмаган тақдирда, иш берувчи ўша куниёқ унга почта орқали меҳнат дафтарчасини олиб кетиши тўғрисидаги огоҳлантирувчи хабарнома жўнатади. Бошқа хатлар инобатга олинмайди. Меҳнат дафтарчасини ходимга почта орқали жўнатишга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади. (Меҳнат дафтарчасини юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқноманинг 3.5 банди).

**Савол: Касаба уюшма қўмитасига сайланган ходимларга қандай кафолатлар белгиланган?**

**Жавоб:** Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касаба уюшма қўмитасига сайланган ходимларга интизомий жазо қўллашга, шунингдек, маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга ҳамда уларнинг сайлов ваколатлари тугаганидан сўнг икки йил давомида маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга маҳаллий меҳнат органининг розилигини олиш талаб этилади.

Асосий ишдан озод этилган ҳолда касаба уюшма қўмитасига сайланган ходимларнинг сайлов ваколати тугаганидан кейин уларга аввалги иши, бундай бўлмаса, аввалгисига тенг бошқа иш берилади. (МК 25-моддаси)

**Савол: Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларни маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатиш тартиби қандай?**

**Жавоб:** Бундай ходимларни иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатишда умумий тартибларга риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги олиниши талаб этилади.

**Савол: I ёки II гуруҳ ногирони бўлган ходимни бажараётган ишига нолойиқ, деб ишдан бўшатишга йўл қўйиладими?**

**Жавоб:** ТМК ёки ТМЭК берган ҳужжатларда аввалги ишини бажариши мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаб бўлмаса ТМЭКга сўров билан мурожаат қилиш керак. Сўровномада ходим бажарадиган ишнинг қисқача тавсифи, шунингдек, ўтказишга имконияти бор бўлган бўш лавозимлар рўйхати кўрсатилган бўлиши керак. Яъни, ТМК ёки ТМЭКнинг ишни давом эттириш ходимнинг соғлиғига тўғри келмайди, деган хулосаси мавжуд бўлгандагина бажараётган ишига нолойиқ, деб ишдан бўшатилиши қонуний бўлади.

**Савол: Ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган фарзанди бор аёлларни иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатиш талаблари қандай?**

**Жавоб:** МКнинг 237-моддасига биноан бу тоифадаги ходимларни ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди. Корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно. Лекин бундай ҳолларда улар ишга жойлаштирилиш шарти билан ишдан бўшатиладилар. Яъни, уларнинг ишга жойлаштириш мажбурияти тугатилган корхонанинг ҳуқуқий меросхўрига, у бўлмаган тақдирда — маҳаллий меҳнат органига юклатилган ҳисобланади.

**Савол: Корхонанинг қайта ташкил этилиши меҳнат шартномасининг бекор қилинишига асос бўладими?**

**Жавоб:** Корхона мулкдори алмашганда, корхона қайта ташкил этилганда (қўшиб юборилган, бирлаштирилган, бўлиб юборилган, қайта тузилган, ажратилганда) меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этаверади(МКнинг 98-моддаси). Яъни юқоридаги ҳолатлар ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос бўлмайди. Мулкдорнинг алмашиши сабабли ушбу корхона раҳбари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш (МКнинг 100-модда, 2-қисм, 6-банди) ҳолати бундан мустасно. Шунингдек, корхонанинг бир орган бўйсунувидан бошқа орган бўйсунувига берилиши ҳам (корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини ҳам) меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлиб хизмат қилмайди.

**Савол: Қандай ҳолатда меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касаба уюшма қўмитасининг розилиги олинади?**

**Жавоб:** Жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш белгиланиши мумкин. Бундай ҳолатда иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг розилиги олиниши мажбурий ҳисобланади.

**Савол: Қандай ножўя ҳаракатлар ўз меҳнат вазифасини бир марта қўпол равишда бузиш, деб ҳисобланади.**

**Жавоб:** МКда қандай ҳолатда меҳнат вазифасини бир марта қўпол равишда бузиш, деб ҳисобланиши кўрсатилган эмас. МКнинг 100-модда 2-қисм 4-бандига кўра меҳнат вазифасини қўпол равишда бузишларнинг рўйхати:

-ички меҳнат тартиб қоидаларида;

-корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномасида;

-айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги низом ва уставларда белгилаб қўйилади.

**Савол: Розилик олишнинг тартиби қандай?**

**Жавоб:** Розилик олишда қуйидаги тартибларга риоя қилиш лозим:

— меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ҳақида касаба уюшма қўмитасига қилинган мурожаат ишга қабул қилиш ва бўшатиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан (имзоси билан) берилган бўлиши;

— ишдан бўшатишга розилик айнан касаба уюшма қўмитаси томонидан берилиши;

— касаба уюшма қўмитаси йиғилишида кворум бўлиши;

— касаба уюшма қўмитасининг йиғилишига ишдан бўшатилиши муҳокама қилинаётган ходим таклиф қилиниши;

— розилик меҳнат шартномаси бекор қилинишидан олдин берилиши.

**Савол: Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш қандай тартибда амалга оширилади?**

**Жавоб:** Ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам муддат тугагунга қадар, муддатли тузилган меҳнат шартномасини ҳам икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб бекор қилишга ҳақли. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли. Иш берувчи эса ходимга меҳнат дафтарчасини ва буйруқнинг нусхасини бериши ҳамда у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Огоҳлантириш муддати тугагунга қадар ходим ўз аризасини қайтариб олишга ҳақли. Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида аризани корхона раҳбарига эмас кадрлар бўлимига, бўлинма раҳбарига ёки девонхонага берилганини баҳона қилиб, уни қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди. Аризани олган шахслар уни корхона раҳбарига етказишлари керак. Бу борада меҳнат низоси келиб чиқмаслиги учун масалага ички меҳнат тартиби қоидаларига кўра аниқлик киритиб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

# Солиқ ва биз

***Бугунги кунда солиқ идоралари ўз олдиларида турган долзарб вазифаларни амалиётга татбиқ қилишда қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бу мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракатини изчил ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари билан ишлаш, яратилаётган шарт-шароитларнинг мазмун-моҳиятини уларга тўла-тўкис ва тушунарли тарзда етказиб бериш борасида ҳам кўпгина ишлар қилинмоқда. Мухбиримиз Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Давлат солиқ инспекцияси шўъба бошлиғи, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг туман ҳудудий комиссияси ишчи органи раҳбари Абдурасул Тожибоев билан Республика Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашди.***

## Яратилаётган қулайликлар тадбиркорларга қўл келмоқда

— Бизнинг шўъба назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳудудий комиссиясининг ишчи органи ҳам ҳисобланади. Назорат қилувчи органлар фаолиятининг мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссиясига текширувлар ўтказиш бўйича материаллар тайёрлаб, туман назорат органларининг фаолиятини кузатамиз ва уларнинг ҳисоботларини шаҳар ҳудудий комиссиясига тақдим этамиз. Назорат органлари томонидан ўтказилган текширишларни ҳар чорак давомида мувофиқлаштирамиз ва унинг самарадорлиги тўғрисида ҳисоботлар тайёрлаймиз.

Текширишларни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш, унинг сонини кескин қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши ўз-ўзидан назорат органлари жавобгарлигини ҳам кучайтиради. Шунга асосан 2005 йилнинг 4-чорак текширувлар режа-жадвали қайтадан таҳлил қилиниб, унга киритилган хўжалик субъектларидан 41,5 фоизини текширувлар режа-жадвалидан чиқариш таклифи билан мурожаат этилди. Охирги текширув муддатига 4 йил тўлмаган микрофирма, кичик корхоналардан 68 та ҳамда охирги текширув муддатига 3 йил тўлмаган бошқа хўжалик субъектларидан 8 таси 4-чорак текширувлар режа-жадвалидан чиқартирилди.

2006 йил ва 2007 йил текширувлар режа-лойиҳаси тўлиқ қайта ишлаб чиқилди. 2007 йилда 333 та корхона текширувлар режасига киритилди, ваҳоланки 2005 йилда текширувлар режасида 465 та корхона бор эди. 2006 йил текширувлар сони 2005 йилга нисбатан 187 тага ва 2007 йилда 132 тага қисқарди.

Фармон мазмунини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида тадбиркорлар билан доимий равишда семинар-йиғилишлар, амалий учрашувлар, бевосита мулоқотлар ўтказилмоқда. 2006 йилда тадбиркорлар билан 29 та амалий учрашув, бевосита мулоқотлар бўлиб, уларда 2746 та тадбиркорлик субъектлари қатнашдилар.

**— Мавзуимиз текширувлар ҳақида кетар экан, шу ҳақда яна бир савол билан мурожаат қилмоқчиман. Маълумки, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда назорат органлар томонидан текширувлар қайд этиладиган рўйхатга олиш китоблари бор. Бироқ ўтказилган текширувларнинг ҳаммаси шу китобда қайд этилади, деб бўлмайди.**

— Назорат органлари томонидан ўтказилган текширувларни хўжалик юритувчи субъектларни текширишларни рўйхатга олиш китобларига қайд этилишини Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда тасдиқланган режа асосида доимий равишда ўрганамиз. Сиз назарда тутаётган ҳоллар аниқланганда, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссиянинг тегишли тақдимномасини киритамиз. Ушбу тақдимномага асосан назорат идоралари тегишли манфаатдор шахсларга яъни текширишни ўтказиб, уни қайд этмаганларга тегишли чоралар кўрилади.

**— Фармон ижроси бўйича назорат органлари ва тадбиркорлар олдида турган долзарб масала юзасидан нима дейсиз?**

— Мазкур Фармон, юқорида таъкидлаганимиздек, тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва улар сонини кескин қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни кўзда тутади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, яратилаётган иқтисодий қулайликлар инсофли, бизнесни ҳалол олиб борувчи тадбиркорлар учун кенг йўл очади. Зеро, фаолиятимизнинг асосий мазмун-моҳияти тадбиркорлар фаолиятини ҳимоя қилиш билан бирга ҳар бир соҳада хатолар, қонун бузилишига йўл қўймасликка эришиш, одамларни ҳар ишда адолатни дастур билишга ўргатишдан иборат. Ҳалоллик ва софликни ҳамроҳ билганларга қонунлар қалқон бўлиб ижобий ютуқлар сари етаклайверади. Бу ҳар бир юртдошимизга, хусусан, тадбиркорлар, ишбилармонларга ҳам тегишли. Улар ўз фаолиятларида ана шу мезонларга асосланиб фаолият юритишса, шубҳасиз, фақат муваффақият қозонадилар.

**«Ишонч» мухбири**
**Неъмат РАФИҚОВ**
**суҳбатлашди**

## ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР АСОСИДА
### ҳисобот юритиш — бугуннинг вазифаси

Барча соҳалардаги каби солиқ хизматидаги ўзгаришлар ҳам соҳа ходимлари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Бу эса солиқ тўловчиларга қулайлик яратиш билан бир қаторда тармоқда ҳисоб-китобларнинг халқаро талаблар асосида ташкил этилишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 августдаги «Солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва давлат солиқ хизмати органларининг ахборот тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 157-сонли қарори фикримизнинг исботидир.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида қатор чора-тадбирларни амалга оширяпмиз. Айни пайтда шаҳримиз давлат солиқ инспекциясида рўйхатга олинган 905 та хўжалик юритувчи субъектдан 891 таси фаолият кўрсатмоқда. Қарор эълон қилингандан кейин ўтган давр мобайнида замонавий ахборот коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда давлат солиқ органига молиявий ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни тақдим этиш, зарур меъёрий-ҳуқуқий база яратилаётганини солиқ тўловчиларга етказиш мақсадида бир неча бор семинар-йиғилиш ўтказдик. Шунингдек, молиявий ҳисоб-китобларни қоғозда тақдим этишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинган ҳолда электрон рақамли имзодан фойдаланиб, алоқанинг телекоммуникация каналлари воситасида тақдим этишнинг тартибини ҳам жорий этдик.

Инспекциямизда рўйхатга олинган «Ўзбекнефтгаз», «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзпахтасаноат» компанияларига қарашли корхоналар, йирик ташкилот ва муассасалар бош ҳисобчилари иштирокида ушбу қарорнинг моҳияти, молиявий ҳисоботларни тақдим этишда амалдаги тартиб сақланганлиги, келгусида ҳужжатларни электрон воситалардан фойдаланган ҳолда тақдим этиш, давлат солиқ хизмати органи билан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари ўртасида сўровлар олиб бориш ҳамда уларга берилган СТИР (солиқ тўловчининг идентификация рақами) тўғрисида ахборот бериш каби тартиб жорий йил давомида татбиқ этилади. Янгиликларнинг амалда қўлланилиши вақт ва қоғозни тежайди. Тадбиркорларни замонавий электрон техника воситалари билан ишлашга ўргатади.

Бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тушумлар прогнози ҳисоб-китоби учун республика Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган дастурий маҳсуллар асосида ҳар бир ДСИда, барча бўлим ва уларнинг шўъбаларида ишлаш ташкил этилди ҳамда унинг ижроси назоратга олинди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур 157-сонли қарор чин маънода тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, халқаро амалиётга мувофиқ ҳисобот ва уни тақдим этиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек қўшимча ҳисоботларни ноқонуний талаб этишга йўл қўймаслик мақсадида қабул қилинган муҳим ҳужжатдир.

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
**Когон шаҳар давлат солиқ инспекцияси юридик шахсларни солиққа тортиш бўлими бошлиғи**

## Қинғир иш — келтирар ташвиш

Қўқон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобил транспортида йўловчиларни ташиш соҳасида тадбиркорликнинг айрим турларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда 130 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган.

Жумладан, фуқаро А.Мухторов жорий йилнинг 3 феврал куни ҳеч қандай ҳужжатларсиз аҳолига пулли транспорт хизмати кўрсатиб келаётганда тўхтатилган. Оқибатда қонунбузар ҳайдовчи энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдорида жаримага тортилди.

Шунингдек, фуқаро С.Аҳмедов ўтган йилнинг ноябрида маъмурий жавобгарликка тортилган бўлишига қарамай, махсус рухсатномасиз аҳолига пулли транспорт хизмати кўрсатгани аниқланди. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, ҳужжатлар судга юборилди.

Кўриниб турибдики, шахсий транспорт воситаси эгалари қайта-қайта маъмурий жавобгарликка тортилган бўлишига қарамай, ноқонуний фаолият юритишдан чарчамаяпти. Шу боис яқинда шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан доимий ишлайдиган штаб ўз фаолиятини бошлади. Унинг таркибида шаҳар прокуратураси ДСИ, МХХ, ИББ ва шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари ҳамда аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналар раҳбарлари фаолият олиб боради.

**Илҳом ҚОДИРОВ,**
**Қўқон шаҳар ДСИ бошлиғи**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси хабар қилади

## ҲУЖЖАТСИЗ «УГОЛЬНИК»ЛАР

Бошқарма ходимлари томонидан Учтепа туманида жойлашган «Қурилиш моллари бозори»да ўтказилган тадбирда хусусий тадбиркор А.Янгиев ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган 20 тонна темир «угольник»ларни харидор А.Саидовга 7600 АҚШ доллари ва 16 миллион сўмга сотганлиги аниқланди. Текширишда маълум бўлишича, А.Янгиев харидорга фақат 12 миллион 739 минг сўмлик харид чеки берган, холос. Натижада ушбу қурилиш маҳсулотлари вақтинчалик олиб қўйилиб, тадбиркор А.Янгиевга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

**Р. АҲМЕТЗЯНОВ,**
**бошқарма ҳужжатли текширишлар бўлими бошлиғи**

## МАНЗИЛИГА ЕТМАДИ

Бошқарманинг Чилонзор туман бўлими томонидан ўтказилган тадбирда фуқаро А.Умархўжаев бошқарувидаги «ГАЗ-53» автомашинаси кўздан кечирилганида унинг юкхонасида хорижда ишлаб чиқарилган, акциз маркасиз 811 минг сўмлик спиртли ичимликлар, 2 миллион 155 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари ҳамда 3 миллион 60 минг сўмлик шоколадли пишлоқлар мавжудлиги аниқланди.

Текширишда ушбу маҳсулотлар фуқаро Д.Исаевга тегишли эканлиги ошкор этилиб, уларни ҳеч қандай ҳужжатларсиз муомалага киритиш мақсадида олиб кетаётганлиги маълум бўлди. Текшириш натижасига кўра, ушбу маҳсулотлар вақтинча олиб қўйилди.

**Д.МАМАТҚУЛОВ,**
**бошқарма ҳужжатли текширишлар бўлими тафтишчиси**

## ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТМАЙ

Бошқарма ходимлари томонидан фуқаро У. Шерматов ва Т. Исломовлар хорижда ишлаб чиқарилган 20 диаметрли 9 тоннадан зиёд қувурни харидор Х. Носировага ноқонуний равишда 10.000 АҚШ долларига сотганлиги аниқланди.

У. Шерматов белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмай, юқорида қайд этилган савдодан назорат қилинмайдиган 2 миллион 980 минг сўмлик даромад олмоқчи бўлган.

У.Шерматов ҳам қилмишига яраша жазосини олади.

**Сарвар РАҲМОНҚУЛОВ,**
**бошқарма тезкор назорат ва ташкиллаштириш бўлинмаси катта инспектори**

**Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди**

***Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 февралда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида шундай деган эди: «Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, мамлакатимизда спортни, биринчи галда болалар спортини ривожлантириш, тиббиёт ходимлари ва ижтимоий соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш масалаларига катта эътибор қаратилди».***

# Касаба уюшма сиҳатгоҳлари чорлайди

Дарҳақиқат, мустақиллик йиллари тиббиёт соҳаси мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Қанчадан-қанча шифохоналар тубдан таъмирланди. Янгилари ишга туширилди. Юзлаб қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бир сўз билан айтганда, таъмирланган ёки янги қурилган шифохона ва ҚВПларда беморларнинг даволанишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинди.

Курортлар бошқармасига қарашли касаба уюшма сиҳатгоҳларига келсак, истиқлол йилларида уларнинг қиёфаси бутунлай ўзгарди. Хизмат кўрсатиш даражаси бозор иқтисоди шароитига мослаштирилди. Санаторийларда жаҳон мезонларига жавоб берувчи даволаш-ташҳис ва ётоқ бинолари, жамоатчилик марказлари, маданият уйлари, ошхоналарни тубдан ҳамда жорий таъмирлаш, уларни замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозлаш юзасидан режали ишлар олиб борилди. Кўплаб сиҳатгоҳларда маданий-маиший объектлар ишга туширилди. Замонавий жиҳозланган бир ва икки кишилик, икки хоналик «Люкс» шинам дам олиш ва кутиш хоналари, йўлдош антеннали телевидение, сузиш ҳавзалари, сауна, муолажа хоналарини ётоқхоналар билан туташтирувчи ўтиш йўлаклари, ДФК машғулотлари учун спорт заллари, клуб ҳамда кутубхоналар пайдо бўлди.



Биргина ўтган йилнинг ўзида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Капитал қурилиш бошқармаси ва Курортлар бошқармаси биргаликда қатор санаторийларда қарийб 888 миллион 400 минг сўмлик тубдан ва жорий таъмирлаш ҳамда қурилиш ишларини амалга оширди. Хусусан, «Қашқадарё соҳили» сиҳатгоҳининг 2-ётоқ биносини тубдан таъмирлашга 398 миллион сўм сарфланди. «Умид Гулшани» санаторийсидаги сув билан даволаш бўлимига эса 318 миллион сўм харажат қилинди. «Зомин»нинг ётоқ биносида реконструкция ишлари олиб борилди. «Косонсой», «Бўстон», «Ниҳол» санаторийларида ҳам тубдан ва жорий таъмирлаш юмушлари бажарилди. Йил мобайнида бошқарма томонидан даволаниш масканлари 101 миллион сўмлик замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Ушбу жиҳозлар «Турон», «Косонсой», «Чинобод», «Мироқи» ва бошқа санаторийларга ўрнатилди. Бу ишларни ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳиссаси катта бўлди.

Умуман ўтган йилда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурига асосан тизимдаги санаторийларда халқимизнинг маънавий қадриятлари сифатида ҳомийликнинг аҳамиятини кучайтириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу жараёнда аҳоли кенг қатламлари, барча ташкилотлар иштирокини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш белгиланган эди. Бошқача айтганда, тадбирларда кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, байналмилалчи жангчилар, меҳрибонлик уйлари ва мактаб интернатлари тарбияланувчиларини ижтимоий-иқтисодий ва моддий томондан қўллаб-қувватлаш каби масалалар асосий ўринни эгаллади. Масалан, бошқармага қарашли даволаш масканлари томонидан ўтган йили «Меҳрибонлик», «Мурувват» ва «Саховат» йилларига 15 миллион сўмдан ортиқ маблағ билан моддий ёрдам кўрсатилди. Болалар боғчалари, мактаб ва мактаб-интернат ўқувчиларига 2 миллион 692 минг сўмлик кийим-кечак, ўқув қуроли ва спорт жиҳозлари олиб берилди.

Маълумки, санаторий-курорт хизматини юқори кўтаришда ходимлар савияси катта аҳамият касб этади. Буни ўз вақтида англаган сиҳатгоҳлар маъмурияти ўз ишчи-хизматчиларининг малакасини оширишга ҳаракат қилишмоқда. Жумладан, бултур барча даволаниш масканларидан 37 нафар шифокор ва 103 нафар ҳамшира Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтида ўқиб қайтди. Шунингдек, парҳез овқатлари турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида санаторийларда фаолият юритаётган 24 нафар ошпаз малакасини оширди. Курортлар бошқармасига қарашли даволаш масканларида ҳамшираларнинг касб маҳоратини ошириш, обрўсини кўтариш, уларда тиббий ходим фазилатларини шакллантириш, дам олувчиларга кўрсатилаётган даволаш-ташҳис ишлари сифатини яхшилаш мақсадида «Ҳамшира-2006» Республика кўрик-танлови ўтказилди. Бу тадбирга 21 миллион сўм маблағ сарфланди. Унда «Косонсой», «Турон» санаторийлари ҳамширалари ғолиб чиқишди ва қимматбаҳо совға билан тақдирланишди.

Шунингдек, 2006 йилда «Турон» ва «Чинобод» сиҳатгоҳларининг 60 йиллик юбилейлари юқори савияда ўтказилди. Даволаш масканлари маданият уйларида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»га бағишланган кўргазмалар, бурчаклар ташкил этилди. Жойлардаги раҳбарлар аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, тиббиёт ходимларининг обрўсини кучайтириш ва меҳнатини рағбатлантириш ишларини олиб бордилар.



Жорий йилда ҳам юқоридаги ишларни давом эттириш кўзда тутилмоқда. Хусусан, санаторийлар жойлашган ҳудудларда истиқомат қилувчи 100 нафар якка-ёлғиз, кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногирон ва етим-есирларни талаб асосида кўрикдан ўтказиш ва амбулатория шароитида бепул даволаш режалаштирилган. «Ижтимоий ҳимоя йили» дастурига кўра сиҳатгоҳларда ишчи-хизматчилар, уларнинг фарзандлари, пенсионерлар, меҳнат фахрийлари ва ногиронлардан 53 киши соғломлаштирилади. «Абу Али ибн Сино», «Оқтош», «Зомин», «Чортоқ», «Хонка» ва бошқа даволаниш масканларига 50 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар харид қилиш режалаштирилган. Ҳозирги кунгача шуларнинг 20 миллион сўмлиги сотиб олинди. Йил мобайнида даволанувчилар учун янада қулай шароитлар яратишга эришилади. Мисол учун «Оқтош»да даволаш ва ётоқ биноси қурилиши якунланади. «Зомин»да эса ётоқ биносининг тўртинчи қавати реконструкцияга чиқарилади. «Турон» санаторийсининг 7-ётоқ биноси тубдан таъмирланади.

Бундан ташқари, санаторийларда дам олувчилар, болалар ва ўсмирлар ўртасида, шахмат-шашка, стол тенниси ҳамда бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш йўлга қўйилади. Ишчи-хизматчиларо «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланган спортнинг айрим турлари бўйича спартакиада ўтказилади. «Оқтош»нинг 70 йиллиги ва «Бўстон»нинг 80 йиллиги юбилейларини тантанали ўтказиш бўйича ташкилий ишлар амалга оширилади. Маданият саройлари, клублар, ётоқ биноларида кўргазмали бурчаклар, фотостендлар ташкил этилади.

Ҳозирги кунда дастур бўйича анча ишлар қилинди. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун бунга бир неча мисоллар келтирсак. «Бўстон» сиҳатгоҳи жойлашган ҳудудда истиқомат қилувчи ёлғиз кексалар, кўп болали, кам таъминланган оилалар, ногирон, етим-есирлардан 36 нафари ушбу муассасада бепул даволанишди. Шунингдек, «Бўстон»нинг 80 йиллик юбилейини ўтказиш бўйича ташкилий ишлар бошлаб юборилди. Айни кунларда бу ерда ишлаб кетган меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ва суҳбатлар ўтказилаяпти. Улар Наврўз байрамига таклиф қилиниб, пул мукофотлари тарқатилди. Эски фотосуратлар йиғилиб, альбом ташкил қилинмоқда. «Қашқадарё соҳили»да ёрдамга муҳтож бўлган 10 та оилага 623 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. «Чимён»да кам таъминланган ишчиларга 500 минг сўм миқдорида кўмак берилди.

«Чортоқ» сиҳатгоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида бирмунча ишлар қилинди. Жумладан, шу йилнинг март ойида «Ўзбек халқи ҳеч кимга ҳеч қачон қарам бўлмайди» мавзусида маънавият соати ўтказилди. Унда экстремистик руҳдаги диний оқимларининг келиб чиқиши, уларнинг мамлакатимизда ва бошқа давлатлар ҳудудида олиб борган ғайриқонуний ҳаракатларидан воқиф этилди.

8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида «Муқаддас аёл» кўрик-танлови ўтказилди. Ушбу тадбирда жамоа аъзолари ва санаторийда даволанаётган аёл ҳамда қизлар иштирок этдилар. Танлов ғолибларига қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. 19 март куни «Наврўз» байрами муносабати билан дастурхон ёзилди. Бу тадбирга сиҳатгоҳда меҳнат қилган собиқ 90 нафар фахрийлар таклиф қилинди. 20 март куни эса санаторийда даволанаётганлар учун байрам дастурхони ташкил этилди. Икки тадбирга ҳам санъаткорлар таклиф этилиб, концерт томошалари уюштирилди.

Мақоламиз интиҳосида бошқарма тасаррруфида фаолият кўрсатаётган шифобахш табиий иқлим, маъданли сувлар ва барча даволаш имкониятларига эга бўлган санаторий-курорт муассасаларида даволаниш ҳамда дам олишга сизларни таклиф этамиз. ⓗ

**Акмал ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Курортлар бошқармаси бошлиғи**



Алишер ИБОДИНОВ

# СОҲИЛ ЯҚИН, ЯҚИН...

(Қисса)



*(Боши ўтган сонларда)*

Не-не машаққатлар, қийинчиликларга чидадим. Шу оила, шу одам учун яшадим-ку, ахир худойим!».

Моҳигулнинг кўзларидан шашқатор ёш қуйилар, ёстиқ жиққа ҳўл бўларди... Аммо, ҳар тонг одатдагидек ўрнидан турар, келини келтирган чойини одатдагидек ичиб, эрни одатдагидек ишга кузатиб қоларди... Ёши элликдан ошган аёлнинг эрини рашк қилиб ғавғо кўтаргани ҳангомаси эшитар қулоққа яхши эмас... Қани, сабр қилсинчи, бу ишларнинг ҳам таги кўриниб қолар. Бироқ, дўконда ҳам, меҳмонда ҳам, уйда ҳам Моҳигулнинг энди ягона ташвиши бир нарса — Бекмирзанинг айни маҳалда қаердалигини ўйлаш, билиш бўлиб қолган эди! Қачон, қай маҳал — ҳох ярим тун, ҳох туш пайти бўлсин, Бекмирзага қўнғироқ қилса, қўл телефонга фақат эрининг ўзи жавоб берар, ҳозир қаерда, қандай иш билан машғуллигини батафсил тушунтирарди. Бир куни Моҳигул унинг, «Соҳибнинг уйидаман» деган жавобидан сўнг «Э, яхши, Адолатхон (Соҳибнинг хотини) уйдамилар, бир... Сўрашиб қўяй, озгина гапим ҳам бор эди», деб қолди. «Ҳм... Соҳиб, хотининг шу ердами? Бизнинг хўжайин сўраяпти... Моҳи! Мана, ҳозир...» Бекмирзанинг бахтига у айни шу вақтда чиндан ҳам Соҳибнинг уйида эди. Шундан кейин Бекмирза хотинига телефонда асло, «фалончининг олдида ёки уйидаман», деган гапни гапирмай қўйди...

Солиҳа билан муносабатлари ҳақида Бекмирза энг қадрдон ўртоқларига ҳам тиш ёрмаган, Солиҳа эса тилига ўта мустаҳкам эди. Эр баъзан ўзига Моҳигулнинг аллақандай бегона, лекин синчков назар билан яширинча термулиб қолганини сезар ва унга юраги ачишарди! Ҳа, дилида хотинига нисбатан ҳеч қандай ғараз ёки ёмонликни сезмас, аммо юракдаги илгариги меҳр ҳам қайғадир гумдон бўлган, ўрнини не ажабки, хотинига ачиниш туйғуси эгаллаган эди! Лекин, кимгадир юрагинг ачишса, бу ҳам ўша одамга нисбатан мавжуд меҳрнинг бир кўриниши дейдилар. Зеро, ёмон кўрган ёки тақдирига мутлақо бепарво бўлганинг одамга қараб юрагинг эзилмайди-ку! Ажабтовур эсада, лекин, Солиҳага нисбатан меҳру муҳаббатга тўла қалбнинг бир четида Моҳигул ҳам яшар эди!

* * *

Солиҳа кечки пайт идорадан чиқди. Ташқарида қиш изғирини юзларни ялайди. Йўл четлари тизза бўйи, юзаси ахлатлардан қорайган қор билан қопланган. У бекат томон шоша-пиша бораркан, кимнингдир овози эшитилди.

— Солиҳахон!

У ортга ўгирилди. Ёши элликлардан ошган, тўладан келган, қимматбаҳо швед пўстинига ўралган бир аёл идора томондан Солиҳага қараб келарди. Солиҳа индамай аёлни кутиб турди. Аёл унга яқинлашди-да, тўхтаб бир муддат Солиҳага бошдан оёқ назар солди.

— Сиз экансиз-да, Солиҳахон!

— Ҳа, менман, кечирасиз, менда ишингиз бормиди?

— Ҳм... Мен Бекмирза акангизнинг хотини бўламан!

Беғазаб, гина-кудуратсиз, оддийгина, мулойим оҳангда айтилган сўзлар...

Солиҳа оёқларидан мадор кетиб, кўзи тинганини ҳис қилди. Нақ бўлмаса йўлак четидаги қор босган скамейкага ўтириб қолаёзди... Лекин зум ўтмай ўзини ўнглади. «Ҳа, бу учрашув албатта рўй бериши керак эди! Мана у! Мана ўша аёл! Ўзингни йўқотма, Солиҳа! Ахир бу орада икки-уч кишининг шаъни, ор-номуси турибди! Ўзингни бос!»

— Ҳа, келинг, опа... — деди у оҳиста ва аллақандай синиқ жилмайиб.

Моҳигул яна унга бошданоёқ разм солишда давом этди. «Чиройли аёл экан! Ўлмагурнинг ловиллашини! Ҳа, ҳар қандай босиқ эркакни ҳам йўлдан уришга ярайди! Наҳот, Бекмирза ака ёши бир жойга етганда шу йўлга кирган!»

Моҳигул Бекмирза билан Солиҳанинг муносабатлари қай даражага етганини ҳали яхши билмас, фақат бир дугонасининг «Бекмирза ака божхонадаги Солиҳа деган жувоннинг олдига кўп борармиш...» деган ғийбатнамо гапи туфайли Солиҳани излаб топган эди. Нафсиламбирини айтганда, Бекмирза билан Солиҳанинг муаммолари даражасини аслида ҳеч ким билмас, иккаласи ҳам тилига пишиқ, ўта эҳтиёткор эдилар. Лекин, баъзан йилт этган учқун қоронғи хонани ёритиб юборганидек, у ер-бу ерда иккаловини тасодифан кўриб қолган одамлар ўзларича нималарнидир тасаввур қилишар, натижада исботсиз, ғийбат мақомидаги гап-сўзлар ҳам чувалашиб улгурган эди. Моҳигулнинг дугонаси аслида шу асоссиз ғийбатлардан мишмиш тарқатган эди холос.

Моҳигул Солиҳага яқинлашиб, елкасидан олиб кўришди.

— Вой, Солиҳахон... Бекмирза акангиз жуда кўп гапирадилар сизни... Шу ердан ўтиб кетаётгандим... Кўрибоқ танидим... Бекмирза акангиз таърифлагандан ҳам ортиқ экансиз!

Солиҳа бир зумда ҳаммасига тушунди ва енгил тортди. Йўқ, Бекмирза Солиҳа ҳақида хотинига оғиз ҳам очмаган! Солиҳанинг бунга имони комил. Лекин, ораларидаги муносабат ҳақидаги шивир-шивирлар эпкини аёлнинг ҳам қулоғига етган ва бу хотин энди ўзича «разведка» қилмоқчи...

— Кечирасиз, опа.. Қайси Бекмирза ака?...

Моҳигул ҳайрон бўлиб унинг афтига қаради.

— Бекмирза Икромов! Тижоратчи. Баланд бўйли, келишган одам. Идораларингга бориб туради-ку...

— Э, бўлди! Жавдот Абдуллаевичнинг ўртоқлари! Ҳа, ҳа, идорамизга келиб туришади. Жавдот Абдуллаевичнинг котибаси тоби айнаб, ишга чиқмай юрган кезлари бир ойча у кишининг қабулхонасида ишлаб турдим. Ўшанда икки-уч марта келган эдилар... Сиз турмуш ўртоқлари бўласизми?

— Ҳа, айланай... — Моҳигул Солиҳанинг қўлтиғидан олиб ёнма-ён юриб кетди. Йўл-йўлакай Бекмирза билан бирга ўқиганлари, турмушлари, болалари, невaralари ҳақида роса эзмаланиб гапирди. Солиҳани автобусга чиқариб юборгач, ўша ердаги ўриндиққа ўтириб, қиш изғиринига қарамай анча хаёлга толди. «Йўқ, бу аёл эмас у билан юрган!» Кўзга яқин жувон экан, божхонанинг ўзида — ўша Жавдот Абдуллаевичга ўхшаганлардан ортмас бу бева! Бекмирза аҳмоқмиди, ўзи қўлига қараб турган улуғларнинг... анақасига илашиб! Бир зумда тагини супуриб қўйишларига ақли етади, ахир»...

* * *

— Солиҳа! Жон қизим, бирпас мен билан ўтир, — деди Машҳура ая аллақандай тараддудланиб. Ишдан қайтаётиб, Бекмирза билан қўл телефонда бугун қўшни Қирғизистонга, Арслонбоб томонларга боришни келишиб олган Солиҳа аясининг авзойидан бирор... жиддий гап борлигини тушунди-ю, итоаткорона бош эгиб, стулга чўкди.

— Биламан, ёшсан.. Бир нарса деб бўлмайди... Аммо...

— Гапираверинг, ая...

— Ўзингдан қолар гап йўқ... Мен кексайдим... Аканг у ёқда... Қанча тагли-тугли жойлардан совчилар келди. Унамадинг. Энди...

Кампир дастурхон попугини бармоқлари орасида ҳимараҳимара, бир-икки ютинди. Солиҳадан садо чиқмади.

— Суриштириб билдим ўшани! — Машҳура ая бирдан тутақди. — Ёши элликдан ошган, невaralи одам экан! Сенга икки дунёда ҳам уйланмайди у! Қайси ақлинг билан шу... Шу алфозга кирдинг, қизим! Ахир, керак бўлса ундан ёш, бақувват, оиласиз, бадавлат йигитлар тўлиб ётибди-ку! Нимасига учдинг буни?

— Ая!

— Нима ая! Нима?! Эртага ташлаб кетади сени! Номингни булғаганинг қолади холос, қизим!

— Аяжон... — Солиҳа онасининг қўлларини ушлаб ўзига тортди, сўнг томирлари кўм-кўк бўртиб, у ер-бу ерига доғлар тушган бармоқларига қайноқ лабларини босди... Бир зумда онанинг қўллари кўз ёшларидан шалаббо бўлди... — Жоним аям! Менга ҳеч нарсаси керак эмас унинг! Ўзи керак, холос! Майли, ташласа ташлаб кетсин. Бироқ, мен уни ташлаб кетолмайман. Биласиз, мактабда, университетда, то турмушга чиққунимга қадар бирор йигит билан... Ҳалигидай... Юрмадим! Ҳолбуки биз каби қизларнинг юриш-туришларини ўзингиз яхши биласиз! Бутунлай европача тарбия кўрганимга қарамай ўзимча совчи келишини кутдим. Ўша... Акам рус қизига уйлангандан сўнг дадам иккалангиз «энди қизларимиз нима бўлади?» дея қаттиқ ташвишда қолганингизни жуда яхши тушунардим. Сизларни хижолатга қўймаслик учун қизлик иффати, ор-номусини бир шарқ қизидай мустаҳкам асрадим. Сизлар топган одамга турмушга чиқдим. Минг афсуски, умри қисқа экан... Шу ўғилни бизга ҳадя қилиб, бу оламдан ўтиб кетди. Бирон-бир гап эшитдингизми шундан сўнг мен ҳақимда? Йўқ! Чунки, ҳеч нарса кўнглимни ёритмаган эди. Ва насиб экан, чинакам муҳаббат ҳисси ёшим улғайганда қалбимни тўлдирди... Мен бахтлиман, онажон! Менга ундан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Мен унинг на кечаси, на эртаси билан қизиқаман. У ҳозир меники! Аёл киши учун ишонч билан шундай дея олишдан ўзга бахт йўқ, аяжон! Ҳа, ёшим қирққа боряпти. Аммо, кўнглим ўн олти яшар қиз кўнглидай, ахир, онажон!

* * *

Бу одамнинг қариндош-уруғлари, таниш-билишлари водий ҳудудларида умуман йўқ эди ёки номаълум сабабларга кўра ҳеч ким уни танишни истамасди. Нотаниш одам деярли бутунлай соғайиб кетди. Суд-тиббиёт экспертизаси унинг меҳнатга ногирон, лекин муомала лаёқатига яроқли эканлигини эътироф этди... Текширишу хулосаларига кўра у 50-55 ёшлар чамасида, меҳнатга яроқли, ички аъзолари соғлом одам эди.

— Менинг исмим Улуғбек бўлса керак, — деди у бир куни, — кеча туш кўрдим. Ёш бола эмишман. Кимдир, балки онам бўлса керак, «Улуғбек» деб чақирди. Негадир онамдан қўрқдим, катта танали олма ортига беркиндим. Онам чопиб келди-да, тарсакилаб, етаклаб кетди. Мен йиғлаб, ортидан судралгандай борар эдим....

Мутахассис психолог, ҳатто ўзларича «ҳамма нарсани биламан», деб юрган қўлбола руҳшунос, фолбинлар ҳам у билан суҳбатлашиб бирор тайинли фикр айта олмадилар.

— Миясида аллақандай ғалаён... Ҳеч нарсани англаб бўлмайди, — дейишди улар.

Туман, ҳатто вилоят ички ишлар идораларида бундай ҳодисага илк марта дуч келишлари эди. Касалхонада ётиб туришнинг ортиқ иложи қолмагач, уни вилоят марказидаги қариялар уйига олиб боришди. Исм-фамилиясини Улуғбек Аҳмедов деб қўйиб, вақтинчалик паспорт беришди. Лекин янги Улуғбек Аҳмедов қариялар уйида бир ҳафта ҳам ётмади.

— Кечирасизлар, — деди у милициядагиларга учрашиб, — у ер менга тўғри келмайди. Аллақандай пиёниста чоллар борми-ей. Туни билан қийчув, мастлар маишати...

Улуғбек Аҳмедовга пойабзал фабрикаси ётоқхонасидан жой топиб беришди. Давлат томонидан бериладиган тўловлардан ташқари отининг сотувидан ҳам қўлига мўмайгина пул тушган, агар босиқлик билан, эҳтиёт бўлиб сарфласа анчага етадиган маблағи бор эди. У уч-тўрт ой ўша ерда яшади. Кейин ғала-ғовурлар пасайиб, ўзи билан бировларнинг унча ҳам иши бўлмаётганлигини фаҳмлагач, Улуғбек Аҳмедов номига шаҳар четидаги кўп қаватли уйлардан бирида икки хонали квартира сотиб олиб, ўша ёкка кўчди. Шу номга давлат нафақаси расмийлаштирилди ва у тўлақонли фуқаро сифатида яшай бошлади. Участка милиционерининг ахборотига қараганда Улуғбек Аҳмедов уйидан кам чиқар, деярли ҳеч ким билан гаплашмас, узуккун аллақаёқдаги эски бозордан топиб келган телевизорига тикилиб ўтиргани-ўтирган эди...

* * *

— Кеча хотинингиз билан учрашдик, — деди кечки пайт дийдор уйига борган Солиҳа, — аввалига жуда қўрқиб кетдим. Кейин гапларига диққат билан қулоқ солсам, унинг ҳеч нарсадан хабари йўқлиги, фақат аллақандай тахмин, тайинсиз гаплар туфайлигина мени ахтариб топганини англадим...

Бекмирза бирдан бўшашиб қолди. Демак, ҳар қанча сир сақлашмасин, ўзаро муносабатларни ҳар қанча пардалашмасин, барибир борини беркитиб бўлмас эканда! Демак, кимлардир уларни қаерлардадир бирга кўришган ва ... Ва тегишли хулосалар чиқаришган!

— Шундайми? — деди у Солиҳанинг кўзларига тикилиб, — хўш, нима деди у энди?

— Айтдим-ку, ҳеч нарсадан хабарсиз, фақат... Кимлардир тахмин қилиб, шу тахминдан уни ҳам хабардор қилишган, холос.

Бекмирзанинг мияси яшин тезлигида ишлади. Моҳигул эшитган нарсадан дарров хулоса чиқариб, бўлса бўлмаса ҳайқиравердиган тоифасидан эмас... Агар у Солиҳани излаб топган бўлса, бирор бир асосли хабар олганки, шу ишга қўл урган. Акс ҳолда, ўзи танимаган аёлни излаб топмас эди. Демак қўлида ё асосли далиллар бўлган, ё анчадан буён эрини кузатиб юриб бир хулосага келган. Кейинги тўққиз-ўн ой давомида Бекмирза шу пайтгача қилмаган одат чиқарган: уйга кўпинча кеч келади. Хотин буни албатта эътиборга олган, лекин ўз одатига кўра подадан олдин чанг чиқаришни эп кўрмаган. Балки аста яқин-атроф, таниш-билишлардан эрининг юриш-туришидаги ўзгаришлар сабабини суриштирган. Албатта, Моҳигул «кеча эримни ким билан кўрдингиз?», дея учраган одамнинг ёқасидан оладиган тентаклардан эмас. Устомонлик билан суҳбатдошига сездирмай, керакли ахборот олиш одати унга отасидан ўтган. Ҳар ҳолда қайнота раҳматли сездирмай сир олишга устаси фаранг эди.

*(Давоми бор)*

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

# Осмон тўла юлдузлар

**Булутсиз кечаларда шишадек тиниқ осмонни кузатганмисиз? Ҳудудсиз кўк бирам гўзал, бирам мафтункор. Айниқса, Китоб халқаро кенглик станциясининг телескоплари орқали самони томоша қилсангиз, оламнинг сир-синоатларига қойил қоласиз. Ноёб қурилмалар кўк маликалари — юлдузларни кўз олдингизга янада яқинлаштириб намоён этади. Пўлат ака ҳам ой нури чарақлаган фараҳбахш дамларда юлдузлар сайрини кузатиб, чуқур ўйга толади.**

Ўрта мактабни тугатиб, мустақил ҳаётга йўлланма олган куни отаси Муҳаммадқули дойи уни Ҳисор тоғларига олиб чиқди. Мўйсафид қоялар теграсидаги юлдузли фалак, ўн беш кунлик тўлин ой ёғдусида жилоланаётган бепоён кенгликлар оқариб кўринар эди.

— Ўғлим, — деди полвон келбатли фарзандига меҳр билан боқиб, — бобо юртинг анча олис, тоғлар ортида, қўшни туркман ерларида. Киндик қонинг томган замин эса ўзбек диёри. Шу муқаддас гўшада камол топдинг, йигит бўлиб етилдинг. Менинг ҳам умрим шу жаннатмакон ўлкада ўтди. Ўзбек элида туп қўйиб, палак ёздим. Ота ўгитини қулоққа оладиган бўлсанг, ўлаўлгунингча туғилган Ватанингга садоқат кўрсат. Керак бўлса, унинг учун жонингни аяма. Зангори осмони, муқаддас тупроғи, шаффоф булоғи, тикану янтоғлари, бор-буди билан сев, улуғла!

Пўлат падари бузруквори насиҳатларига амал қилиб, ҳеч қачон кам бўлгани йўқ. Эл-юртда ўзига яраша обрў-эътибор, ҳурмат-эҳтиром орттирди.

Отаси Муҳаммадқули Жуманазаров тақдир тақозоси билан Туркманистоннинг Халач туманидан Ўзбекистонга келиб қолган. Вилоят миқёсида масъул вазифаларда хизмат қилган. Кўп йиллар давомида Китоб туманининг биринчи раҳбари бўлиб ишлаган, хўжаликларни бошқарган. Бир неча бор республика Олий Кенгаши депутатлигига сайланган.

Онаси асли китоблик. Турдиой Шаропова билан бир-биридан ақлли, эс-ҳушли етти ўғил-қизни тарбиялаб, вояга етказган.

Падари бузруквори озод кунларни кўролмаган бўлса ҳам, волидаи мукаррамаси Турдиой момонинг кўксига истиқлол шамоли тегди. Янги давр эпкинларидан баҳра олиб, фарзандларидан рози-ризолик тилаб, бундан ўн йил муқаддам ёруғ дунёни тарк этди.

— Қашқадарёликлар Муҳаммадқули Жуманазаровнинг эл-юрт равнақи йўлидаги хайрли ишларини унутмайдилар,— дейди уруш ва меҳнат фахрийси Исом бобо Жалилов. — Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларидан ногирон бўлиб қайтган фидойи инсон воҳа ободончилиги йўлида асло ором билмади. Бутун билими, иймон-эътиқодини миллатлар ҳамжиҳатлиги, юрт ободлигига бағишлади. Эзгу ташаббуслар шуъласини сезгудек бўлса, у кимлигидан қатъи назар чин дилдан қўллаб-қувватлади.

— Муҳаммадқули оға ҳаётда ўчмас из қолдириб кетди. «От ўрнини той босар», деганларидек тўртинчи ўғил Пўлат отасидек мустаҳкам иродали, бир сўзли, ташкилотчи ва ташаббускор раҳбар бўлиб етишди. Падари бошлаган савоб амалларни собитқадамлик билан давом эттиряпти.

Қарши Давлат университети тарих-география факультетини битириб, муаллимлик қилди. Агрономлик мутахассислигини эгаллаб, туман ташкилотларида катта-кичик лавозимларда ишлади. Мана 14 йилдирки, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашини бошқариб келаяпти.

— Пўлатжон отасидек меҳрибон, маданиятли, камтар, ҳалол ва тўғри сўз инсон бўлиб етишди, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман кенгаши раиси Файзулла Эшев у ҳақда гап кетганда. — Ўз ишининг фидойиси, элпарвар раҳбар, садоқатли дўст. Бутун онгли ҳаётини туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига бағишлаган.

Пўлат ака отасининг шогирдлари — оқсоқоллар Қарол Маҳмудов, Бекмурод Элбоев, Пўлат Қурбонов, Тўхтамиш Чориев, Бурҳон Абдиев,



Маннон Самадовларнинг панду насиҳатларига қулоқ тутади, билмаганларини эл кайвониларидан ўрганади.

Эзгулик ҳаёт аъмолига айланган Пўлат Жуманазаровнинг хонаси ҳамма учун очиқ. Хушмуомала, ширин сўз, ваъдасида собит турадиган одамохун раҳбарни йўқлаб келишади. Унга дардларини яширмай эмин-эркин айтишади. Муаммоларини ҳал этиш учун кўмак сўрашади.

— Қийналган дамларда қўллагани ва мушкулимни осон қилгани учун касаба уюшмасидан миннатдорман,— дейди туман марказида яшовчи, олти фарзанднинг онаси Сабоҳат Ёрова. — Оиламизнинг кам даромадли эканини ҳисобга олиб, ҳамиша ёрдам қўлини чўзишади.

Бугина эмас. Пўлат ака ходимлари билан жанубий чегараларимизга дахл қилмоқчи бўлган босқинчиларга қарши жангларда жонини қурбон қилган Ҳалим Тошқуловлар оиласидан тез-тез хабар олиб, кўнгил сўраб туради.

Биз борган куни кенгаш раиси ҳудудда жойлашган ҳарбий қисм касаба уюшма ташкилоти етакчиси Саодат Нуралиева билан бўлажак тадбир хусусида маслаҳатлашиб турган экан.

— Аскар ва зобитлар билан «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзуида кеча уюштирмоқчимиз, — дейди касаба уюшма ташкилоти раиси мамнуният билан. — Туман кенгаши ҳарбийларга янги нашр этилган адабий-бадиий асарлар ва спорт анжомлари тақдим этмоқчи.

Дарҳақиқат, ҳарбий қисм зобитларига «Оқтош» сиҳатгоҳига бепул йўлланма берилди. Маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш учун 200 минг сўм маблағ сарфланди.

Пўлат ака болаларни яхши кўради. Умр йўлдоши, олий тоифали шифокор Сожида Ашурова туман туғруқхонасида 28 йилдан бери акушер-гинеколог бўлиб ишлайди. Турмуш ўртоғи билан «Меҳрибонлик уйи»га тез-тез бориб туради. Бахтсиз тасодиф туфайли ота-онасидан ажралган ўғил-қизларни эркалаб бошини силайди, совға-саломлар топширади.

— Юртбошимиз инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш устувор вазифа эканлигини ҳар доим уқтириб келмоқдалар, — дейди касаба уюшмалари ташкилотлари мувофиқлаштирувчи туман кенгаши раиси Пўлат Жуманазаров. — «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурининг ишлаб чиқилганлиги касаба уюшмалари зиммасига катта вазифалар юклади. Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, қонуний, меҳнат ва интеллектуал ҳуқуқлари ҳимоячиси ҳисобланган ташкилотимизнинг эътибори халқ фаровонлигини оширишга қаратилган.

Ўз атрофига 33 та бошланғич ташкилот ва 18803 нафар аъзони бирлаштирган туман кенгаши иш берувчилар билан ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида тузилган жамоа шартномалари ва келишувларида белгиланган вазифаларнинг бажарилишига жиддий аҳамият бермоқда.

Кенгаш йиғилишларида агросаноат тизимида «Ижтимоий ҳимоя йили дастури»нинг ижроси, «Китоб анҳор» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ва «Қусам ноз-неъматлари» масъулияти чекланган жамияти, «Кимётаъминот», ўрмон хўжалиги касаба уюшма ташкилотларида ишларнинг Низом талабларига мувофиқ ташкил этилиши, ходимлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимояланиши, фермер хўжаликларида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигининг аҳволи, ёзги соғломлаштиришга тайёргарлик каби масалалар муҳокама этилиб, тегишли тадбирлар белгиланди.

Ўн тўққиз минг аъзо... Ўн тўққиз минг тақдир... Оила аъзолари билан қўшиб ҳисоблаганда юз мингдан ошади. Ҳар бир оиланинг, ҳар бир кишининг ўзига яраша ташвиш ва муаммолари бор. Пўлат ака ва касбдошлари касаба уюшма аъзоларининг тақдири учун ўзларини масъул деб билишади. Зиммаларидаги вазифаларнинг нозик ва масъулиятли эканлигини қалбдан ҳис этишади.

Туман ҳокимлиги, савдо-саноат палатаси ва касаба уюшмалари ташкилотлари мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2007-2009 йиллар учун тузган жамоа келишувига мувофиқ меҳнаткашларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, меҳнат бозори жараёнини самарали мувофиқлаштириш мақсадида конституциявий ҳуқуқлари ва қонунчилик талабларининг бузилиши, ноқонуний ишдан бўшатиш ва қисқартириш ҳолларига йўл қўймаслик, «Бандлик» дастури бўйича янги иш ўринлари яратиш, «Меҳнат Кодекси» ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланиб тузилган жамоа шартномаларининг ижроси доимий назоратда.

Республика касаба уюшмаларининг IV қурултойи қарорлари ва Ҳаракат Дастури асосида фаолият юритаётган Китоб темир-бетон буюмлари заводи касаба уюшма ташкилоти раиси С. Рамазонов ибратли ишларни амалга оширяпти. 150 нафар аъзони бирлаштирган жамоада иш ҳақидан қарздорлик йўқ. Меҳнат муҳофазаси талабларига қатъий амал қилинганлиги туфайли бахтсиз ҳодиса содир этилмаган. Касабақўм маблағлари ҳисобидан корхонанинг «Маънавият ва маърифат» ҳамда дам олиш хоналарига 3 та рангли телевизор олиб берилди. Кам таъминланган оилаларга 100 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Иқтисодий ислоҳотлар жараёнида 4800 та фермер хўжаликлари тузилди. Янги мулкчилик жамоаларида 16292 нафар касаба уюшма аъзолари ишлаб турибди. «Китоб» агрофирмаси, «Варганза», Каромат Рустамова номли муқобил машина трактор парки ҳудудида жойлашган деҳқон-фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган аъзолар ўртасида фаол иш олиб борилаяпти. Бошланғич ташкилотларнинг саъй-ҳаракати туфайли аъзолик бадалларини жамғариш бир йилда 9 миллион сўмга кўпайиб, жами 18,5 миллион сўмни ташкил этди. Н.Қодиров, М.Отақулов, С.Шукуров, З.Холмўминов, Э.Хонназаров, К.Салаев бошчилик қилаётган фермер хўжаликларида ишчиларнинг меҳнат шароити яхшиланди. Алишер Навоий номли агрофирмада узумни қайта ишлаш ва тош кесиш цехлари қурилиб, юздан ортиқ киши иш билан таъминланди.

— Бутун ҳаётим касаба уюшма ташкилоти билан боғланган, — дейди кекса деҳқон, ёшлар мураббийси Очил бобо Рўзиев. — Касабақўм йўлланмаси билан «Турон» сиҳатгоҳида даволандим. Ҳамкасбларимдан Сирож Холмўминов, Номоз Бердиев, Мухтор Холиқовлар «Чортоқ», Ибн Сино номли, «Қашқадарё соҳили» сиҳатгоҳларида ҳордиқ чиқардилар. Кўрсатилаётган ғамхўрликдан бошимиз кўкка етди.

Мулк шакли ўзгариши билан ширкатларнинг аъзолари фермер хўжаликларига ишга жойлаштирилди. Ҳудудий бирлашган касаба уюшма ташкилотлари тузилди. Кенгаш ходимлари томонидан уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатилаяпти.

Аҳолининг кам таъминланган қисмини, ёлғиз, етим ва муҳтожларни қўллаб-қувватлаш ҳамда хайр-саховат кўрсатишда касаба уюшмаларининг ҳиссаси катта. Ўтган даврда 1200 та кам таъминланган оилага 3,3 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам берилди. Ёзги соғломлаштириш мавсумида 605 нафар ўғил-қизнинг «Дўстлик» болалар оромгоҳида дам олиши учун касаба уюшмалари томонидан 4 миллион сўм маблағ сарфланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Спорт мусобақалари, кўрик-танловлар ўтказиш анъанага айланган. Кейинги икки йил ичида ўндан ортиқ спорт иншоотлари қурилди. Сариосиё қишлоғида қад кўтарган болалар спорт мажмуаси қулайлиги ва замонавийлиги билан шаҳардагидан қолишмайди. Ёшларнинг билими ва иқтидори, жисмоний куч-қудратининг синови бўлган «Темурий баҳодирлар» кўрик танловига пухта тайёргарлик кўрилаяпти.

Фаоллар ташаббуси билан қишлоқ ва шаҳарлар ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилаяпти. Баҳорда ярим миллион тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари, гул кўчатлари экилди.

— Касаба уюшмаларининг инсонга наф келтириш борасидаги фаолияти ҳақида сўзлаб берсангиз?— сўраймиз кенгаш раисидан.

— Ташкилотнинг нуфузи аъзоларининг фаоллиги билан баҳоланади, — дейди Пўлат ака. — Мана бир мисол. Агросаноат ходимлари мажмуи касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва вилоят кенгаши раёсати аъзоси, «Китоб» агрофирмаси директори, вилоят кенгаши депутати, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Зариф Бурҳоновнинг ташаббуси билан кам даромадли оила аъзолари фарзандларидан ўн нафарининг олий ўқув юртларида ўқиши учун 2,5 миллион сўмлик контракт тўловлари корхона фойдаси ҳисобидан тўлаб берилди. Мева-сабзавотни қуритиш, узумни қайта ишлаш цехлари фойдаланишга топширилиб, 200 киши учун иш ўрни очилди. 3 та мактаб, 5000 ўринли ўйингоҳ қурилди. Бундай ибратли ишлар етук раҳбар, касаба уюшма фаолининг Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йил якунларига бағишланган мажлисда Президентимизнинг олис қишлоқларда саноат корхоналарини вужудга келтириш тўғрисидаги кўрсатмасига амалий жавобидир.

Пўлат ака табиат шайдоси. Бўш вақтларида саёҳатга чиқишни ёқтиради. Зарафшон тизма тоғларидан оқиб келаётган Қашқадарё, Оқсув, Жиннидарё сувларидан тўйиб-тўйиб ичади. Ҳазрати Башир, Қайнар, Юқори Аёқни, Жовуз, Қабзахона, Синчкент, Хўжа Неъмати, Суқар, Шердоқ, Сумсар қишлоқларининг бетакрор табиат манзараларини завқ билан томоша қилади. Йўл-йўлакай туманда яшаётган элликдан ортиқ тўқсон-юз ёшли отахону онахонлар ҳолидан хабардор бўлиб, дуосини олади.

... Тоғ ҳавоси ёқимли. Ой тўлган кеча. 34 йилдан бери халқ манфаатлари йўлида хизмат қилиб келаётган Пўлат ака сон-саноқсиз юлдузларнинг бетакрор жамолига боқиб, ўзича пичирлайди:

«Бу дунёда ҳеч кимнинг юлдузи бевақт сўнмасин. Осмонимиз ҳамиша мусаффо, юртимиз осойишта, халқимиз бахтиёр ва ҳамжиҳат бўлсин».

Кенгаш раисининг ён дафтарида ёзиб қўйилган қуйидаги сўзларни ўқиб, беихтиёр тўлқинланиб кетдим:

«Қалбим тўри, кўзим нурида акс этган муқаддас маъво, она бешигим, суюкли қўшиғим. Мовий осмони, самога кифт тираган юксак тоғлари, ажиб ифор таратган меваэор боғлари, энг муҳими, ҳаёт синовларидан ўтган фидойи халқим билан фахрланаман. Она юртим, ота-боболардан қолган буюк мерос — қадимий маконни келажак авлодга гард юқмаган ҳолда топшириш ҳар бир инсон учун ҳам фарз, ҳам қарздир».

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

**Бугун орзиқиб кутилган жанг, WBAнинг энг оғир вазн тоифасида чемпионлик камари учун Николай Валуев ва Руслан Чагаев баҳси бўлиб ўтади. Муҳим жанг олдидан журналистлар ҳамюртимиз, Ўзбекистон ифтихори Руслан Чагаевдан интервью олишди.**

## Руслан ЧАГАЕВ:

# «БИЗДА ҒАЛАБАГА ИНТИЛИШ КУЧЛИ»

***— Баҳайбат гавдали Николай Валуевга қарши махсус тайёргарлик машқларини қандай олиб бордингиз?***

— Аслини олганда бу жангга ҳам одатдагидек тайёрландим. Мураббийим Михаэл Тимм билан икки ой Шверинда шуғулландик.

Фақат спарринг — рақибимиз олдингилардан фарқ қилди. Биз Америкадан Валуевники сингари баланд бўйли, икки метрдан ошадиган спортчи топдик. «Рақибим» билан бўйнимни тепага қаратиб, қулай жанг олиб боришни машқ қилдим.

***— Жанг қандай ўтади, деб ўйлайсиз?***

— Фаоллик Валуев тарафида бўлиши мумкин. Бироқ мен тезкор ҳаракатлар билан кучли, аниқ зарбалар беришга ҳаракат қиламан. Ҳаваскор рингда жанг олиб борганимда, жаҳон чемпионати финалида дунёнинг энг кучли чарм қўлқоп устаси Феликс Савон устидан ғолиб чиқишга муваффақ бўлгандим. Эътибор қилсангиз, Савоннинг бўйи ҳам меникидан сезиларли равишда узун. Бироқ бу менга ҳеч қанақа қийинчилик туғдирмаганди, ўшанда. Шунингдек, «кумирим» ҳисобланган Майк Тайсон ҳам баланд бўйли эмас ва унинг жанглари, ғалабаларидан, жаҳон чемпиони бўлганидан яхши хабардорсиз.

Менга унинг жангларини кўриш ёқади. Тайсон билан Лас-Вегасда 1997 йилда танишгандим.

***— Валуев билан жангингиз 12 раунд давом этади, деб ўйлайсизми? Агар йўқ, бўлса, унда неча раунд давом этади, сизнингча?***

— Башорат қилишни ёқтирмайман. Мен 12 раунд курашиш учун машғулот олиб борганман. Агар жанг дастлабки раундларда тугаса, унда бунга тайёргарлик кўришга не ҳожат? Шунингдек, жангнинг қанча давом этишини ҳам айтиш мушкул. Бу ахир жаҳон чемпионлиги учун жанг.

***— Валуевнинг устунлик ва камчилик томонлари нимада, деб ўйлайсиз?***

— Баланд бўйи, оғир вазни унинг устунлик тарафи. Мураббийим унинг охирги жангини кузатган ва бир қатор камчиликларини ёзиб олган. Сизга бундан ортиқ ҳеч нарса дея олмайман.

***— Иккингизнинг ҳам оилангиз бор. Рафиқангиз 14 апрел куни жангни кузатишга келадими?***

— Бунга айтарли муаммолар йўқ. Фақатгина рафиқам ҳозир ҳомиладор. Шунинг учун у ўғлим билан уйда бўлади. Ўғлим Артур уч ёшга тўлди. У мен билан машғулот залларида бўлишни жуда ёқтиради. Биз машқ қилаётган пайтимиз Артур уч оёқли велосипеди билан залда сайр қилади.

***— Ўзбек боксчиларининг муваффақиятлари сири нимада?***

— Сабаби жуда оддий: меҳнатсеварлик. Яхши ишлаш анъаналари ва энг муҳими ғалабага интилиш.

***— Сиз Валуев билан икки йирик немис бокс компаниясининг етакчи боксчилари ҳисобланасиз. Бу ортиқча босим пайдо қилмайдими?***



— Асло, ҳеч қанақа муаммо йўқ.

Мен ўзим ва «Universum» учун урушаман. Ватаним шаънини ўйлаб бор кучимни ишга соламан. Рингда ким бўлишининг аҳамияти йўқ.

***— Бу жанг учун яхшигина гонорар оласиз. Уни қандай мақсадларда ишлатмоқчисиз?***

— Ҳеч қандай «даҳшатли» режаларим йўқ. Мен учун энг муҳими оилам. Жангдан сўнг таътилга чиқиб, уйим ва боғимда дам олмоқчиман. Буни кутаётган иккинчи фарзандимиз учун зарур аҳамияти бор.

# Энг яхши футболчи



UFF.UZ сайти орқали "Март ойининг энг яхши футболчиси ва мураббийи"ни аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказилди. Ойининг энг яхши футболчиси деб "Нефтчи" клубининг моҳир ярим ҳимоячиси, Тожикистон миллий терма жамоаси аъзоси Акмал Холматов топилди.

Сўровномада жами 492 киши иштирок этди ва овоз берганларнинг 27,2 фоизи (134 та овоз) Акмал Холматовнинг номзодини ёқладилар. Хабарингиз бор, Акмал Холматов томонидан ОЧЛнинг сафардаги "Ал Нажаф" клубига қарши баҳсда жарима тўпидан киритилган ягона гол фарғоналикларга муҳим ғалабани тақдим қилганди. Бундан ташқари, "Нефтчи" клубининг "Ал Карама" устидан ғалаба қозонишида ва миллий чемпионат баҳсларида муҳим ғалабаларни қўлга киритишида Акмал Холматов ўз жамоаси таркибида энг кўп тер тўккан футболчи ҳисобланди. Футболчилар сўровномасининг якуний кўриниши қуйидагича бўлди. Акмал Холматов 134 овоз (27,2%), Сервер Жепаров 91 (18,5%), Неъматулло Қуттибоев 74 (15 %), Азиз Ҳайдаров 69 (14%) Анвар Бердиев 67 (13,6%), Ихероуме Уче 64 (13%).

Март ойининг энг яхши мураббийсини аниқлаш мақсадида ўтказилган сўровномада, футболчиларнинг сўровномасидан фарқли ўлароқ, "Нефтчи" клубининг бош мураббийи Юрий Саркисян катта тафовут билан биринчи ўринни қўлга киритди. Баҳорнинг илк ойи бўлишига қарамасдан Юрий Вазгенович бошқарувидаги "Нефтчи" клуби улкан натижаларни қўлга киритди. Айниқса, Осиё чемпионлари лигасининг дастлабки икки турида рақибларнинг тор-мор этилишида жамоа мураббийининг хизматлари беқиёс. «Нефтчи» олий лиганинг 4 та баҳсини ҳам ғалаба билан якунлади. Сўровномада иштирок этган 456 кишидан 209 (45,8%) нафари Юрий Саркисян учун овоз берди.

Март ойининг «иккинчи мураббийи» деб "Қизилқум" жамоаси бош мураббийи Игорь Шквирин топилди

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Вадим Абрамов бош мураббийлиги остида чиройли ўйинлар намойиш қилиб келмоқда. Ушбу мураббийнинг хизматларини етарли баҳолаган сўровнома иштирокчилари унга 78 (17.1%) та овоз беришди. Натижада Вадим учинчи ўринни қўлга киритди.

# Чемпионлар клуби иш бошлади

Кўпчиликнинг хабари бор, юнон-рум кураши бўйича миллий терма жамоамиз асосий машғулотларини Республика олимпия заҳиралари коллежи залида ўтказарди. Яқинда эса Ўзбекистон юнон-рум кураши федерацияси курашчиларга ажойиб машғулотлар залини туҳфа қилди. Яъни, Тошкентдаги «Пахтакор» Марказий стадиони маъмурият биноси ҳудудида барча қулайликларга эга «Ботир» спорт клуби иш бошлади.

Гап шундаки, 1970-80 йилларда «Пахтакор» марказий стадионида юнон-рум кураши зали бўлган. Бу залда жаҳонга машҳур Арсен Фадзаев, Рустам Казаков каби ўнлаб юнон-рум кураши усталари машғулотларда қатнашишган. Сўнгги 20-25 йилда бу машғулот зали ёпилиб, эски ва хароба ҳолга келиб қолган, кези келганда, ундан омборхона сифатида ҳам фойдаланишган.

2007 йилнинг бошидан эса бу зал яна эсга олинди. Ўзбекистон юнон-рум кураши федерацияси президенти Ботир Турсунов ва бир гуруҳ кураш фидойилари маслаҳатлашиб, зални қайтадан таъмирлаш, бу ерда терма жамоа учун машғулот масканини бунёд этиш таклифини илгари суришди ва «Пахтакор» стадиони раҳбарияти билан келишган ҳолда таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.






Деворлар янгича юз очди, пол алмаштирилди, профил эшик-ром, деразалар ўрнатилди. Ечиниш, ювиниш хоналари, раҳбар ва мураббийлар хонаси ҳам табиийки, замонавий кўриниш олди.

Бу ҳақда Ўзбекистон юнон-рум кураши федерацияси президенти Ботир Турсунов шундай дейди:

— Залимизда машғулот бошланганидан хурсандмиз. Март ойининг иккинчи ярмида Европа чемпионатига ҳозирлик кўраётган Венгрия терма жамоаси Тошкентга келди. Ўзбекистон ва Венгрия давлатлари юнон-рум кураши федерацияларининг келишувига кўра, икки терма жамоа биргаликда ўқув-машғулотларни ўтказишмоқда.

«Ботир» спорт клубини ташкил этишимизнинг яна бир сабаби, бу болаларни спортга жалб қилиш. Ниятимиз, халқаро майдонларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қиладиган чемпионларни, мард, кучли ўғлонларни тарбиялашдир.

Бир неча йиллар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг яккама-якка кураш турлари бўйича Республика Олий спорт маҳорати мактабида директорлик қилган мутахассис, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Раҳмонберди Аҳмедов «Ботир» спорт клубининг ташкил топишида бош-қош бўлди. Бу тажрибали мутахассис бугун клуб директори вазифасида фаолият юритмоқда.

Спорт клуби ҳақида Аҳмедов қуйидаги фикрларни билдирди:

— Бугун клубимизда 20 нафардан ортиқ ёш курашчилар машғулотларга қатнашмоқда. Уларга ёш мураббийлар Хайрулла Абдуллаев ва Дониёр Абдураҳмоновлар кураш сирларини ўргатади. Биз тарғибот-ташвиқот ишларига катта эътибор беряпмиз, мактаб ва маҳаллалардан келадиган болалар сонининг ошишига шубҳам йўқ. Чунки бизда барча шароитлар бор ва машғулотлар бепул.

**Суратларда:**

**1. Машғулотдан лавҳалар;**

**2. Раҳмонберди Аҳмедов ва Венгрия терма жамоаси устози Георги Штурхог жараённи кузатмоқда.**

Саҳифа учун масъул: Нурбек ЮЛДОШЕВ



# ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ БЎЙЛАБ

## Умумий маълумотлар:

Расмий номи — ***Бруней Доруссалом.***
Пойтахти — ***Бандар-Сери-Бегаван.***
Давлат бошқарув шакли — ***Султонлик (мутлақ монархия).***
Давлат бошлиғи — ***Султон Ҳожи Хассанал Болкиах.***
Ер майдони — ***5,8 минг км.кв.***
Аҳолиси — ***340 минг киши.***
Давлат тили — ***малайя тили.***
Пул бирлиги — ***Бруней доллари.***



Бруней давлат герби



«Нур ул-Иймон» саройи

# МИТТИГИНА, АЖАБТОВУР МАМЛАКАТ




Ушбу давлат Қалимантан (Борнео деб ҳам аталади) оролининг шимолий қисмида, иккита катта ҳудуд ва бир қанча кичик оролларда жойлашган бўлиб, Жанубий Хитой денгизи сувлари оролларни ювиб туради. Мамлакат фақат бир давлат билан, яъни жанубда Малайзия билан чегараланган.

Бруней — қадимги Хитой йилномаларида XV асрдан бошлаб Поло, Пуни, Поли номлари билан тилга олинади. XVI асрнинг ўрталарида бутун Борнео оролини ўз қўл остига бирлаштирган кучли империя вужудга келган. Маълум бир ҳукмдорлар даврида ҳаттоки қўшни Филиппин оролларининг бир қисми босиб олинган.

XIX асрнинг ўрталарида аввалига голландлар, кейинчалик инглизлар томонидан босиб олинган ва мустамлака ҳудудга айлантирилган. Шу ўринда мамлакатнинг ҳозирги даражада ривожланишига Бруней султонлари ва инглизлар ўртасидаги сулҳ шартномаси сабаб бўлганлигини қайд этиш лозим. Гап шундаки, тинимсиз урушлар, тўқнашувлар унча-мунчага музокара кўчасига кирмайдиган инглизларни ҳам толиқтириб юборади ва улар маҳаллий султонларга Борнео оролининг шимолида камунум ва доимо ботқоқликлар эгаллаган ҳудудларни беришга мажбур бўлишади. Кейинчалик ҳозирги Бруней ҳудудидан катта заҳирага эга бўлган нефт конлари топилди ва мамлакатнинг ривожланишида асосий пойдевор бўлди. 1959 йилда ўзини-ўзи бошқарув ҳуқуқини қўлга киритган султонлик 1984 йил 1 январдан тўла мустақилликка эришади.

# 200 МЕТРЛИ УЙ

***Бруней аҳолиси ўзига хос миллий таркибга эга: 65 фоиз малайяликлар, 25 фоиз хитойлар, 10 фоиз даяк ва бошқа маҳаллий миллатлар. Мамлакат фуқаролари учун ўрта маълумот олиш ва тиббий хизмат Султон томонидан мутлақо бепул деб эълон қилинган. Шунингдек, ушбу имтиёзларга коммунал хизматлар учун ва бир марта муборак Ҳаж сафари харажатларига кетадиган маблағнинг қопланишини ҳам киритиш мумкин.***

***Мамлакатда худди Япониядагидек (кабуке) соялар театри —«ваянг» мавжуд бўлиб, унда қўғирчоқлар фақат буйвол терисидан тайёрланган. Маҳаллий аҳоли яшайдиган одатий уйлар — свай ёки свая (маъноси «узун уй») 200 метргача узунликда, фақат ёғочдан қурилган бўлиши лозим. Аҳолининг ўзига хос жиҳатларидан бири — аёллар ва эркаклар кийадиган миллий кийим — саронг ҳисобланади. Бу этаги ерга тегиб турадиган ва эркаклар одатда шимнинг устидан кийдиган узун мато-юбкадир. Саронг нафақат кийим, балки ўзбеклар тўнига ўхшаш, намоз ўқишда ҳам, сафарларда ёпинчиқ (чивинлардан ҳимоя) сифатида ҳам фойдаланилади.***

***Бруней халқи ўзининг ажабтовур одатлари билан ажралиб туради. Бу ерда бир неча асрлардан бери сақланиб келаётган қонун-қоидалар тизими мавжуд. Унга кўра фуқаролар сариқ рангли кийим кийиши, жамоат жойларида акснриши ва кекириши, кўришаётганда қўлни қаттиқ сиқиши, бармоқни бировнинг бошига теккизиши, нарсаларни кўрсаткич бармоқ билан кўрсатиши (ҳамма нарса ўнг бош бармоқ билан кўрсатилади) қатъиян тақиқланади.***



Умар Сайфиддин жомеъ масжиди

# «ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИ ШАҲРИ»

**«Бандер-Сери-Бегаван» — айнан шундай маънони беради. Ҳозирги ҳукмдорнинг отаси шарафига шундай номланган. 75 минг аҳолига эга. Шаҳар 1970 йилгача Бруней деб аталган. 1906 йили шу номли дарёнинг денгизга қуйилиш қисмида «Кампунг-Аир» (маъноси — сув устидаги қишлоқ) қишлоғи ўрнида ташкил этилган. Айни пайтда ушбу қишлоқ шаҳарнинг маъмурий туманларидан бири ҳисобланади ва унда 30 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Айнан шундай номланишига сабаб уйларнинг сув устида қурилганлигидир. Шаҳарнинг энг экзотик қисми ҳам ушбу даҳадир. Бу эса минглаб туристларни ўзига жалб қилади.**



Султон оиласида маросим

# РАФФЛЕЗИЯ ВА УЧАР ИТЛАР

Мамлакат ҳудуди гарчи кичикроқ бўлса-да, тропик ва экваториал минтақалардаги бошқа давлатлар каби ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой. Ер майдонининг 85 фоизи қалин ўрмонлар, чангалзорлар (жунгли) билан қопланган. Қизиқарли томони, бу ерда дунёдаги энг йирик гуллардан ҳисобланадиган — Арнольд раффлезияси ўсади. Ҳайвонот дунёси ҳам ўта ғаройиб. Мамлакатда «Халқаро Қизил китоб»га киритилган ва «Грин Пис» жамияти, ЮНЕП ташкилоти томонидан ҳимоя қилинадиган қоплонлар, орангутанглар, учар итлар, қизил бўрилар, Малайзия айиқлари, икки шохли каркидонлар, бантенглар (ёввойи буқанинг кичикроқ тури) учрайди. Бруней иқтисодиётига салмоқли маблағ олиб келадиган туристларни ажойиб соҳилбўйи масканлари (пляжлар) билан бирга юқорида санаб ўтилган камёб ҳайвонлар мавжуд бўлган қўриқхона-парклар ҳам ўзига тортади. Ажойиб кўриниш ҳосил қилган Рампайох ва Мендарам шаршаралари дунёнинг бошқа ҳудудларида учрамайди.

Ўрни келганда мамлакатнинг иқтисодиётига ҳам бир қур назар ташласак. Юқорида айтиб ўтилганидек, Бруней ички ялпи маҳсулотининг 3/4 қисми нефт ва уни қайта ишлаш тармоғи ҳиссасига тўғри келади. Яна бир аҳамиятга эга тармоқ — туризмдир. Маълумотларга кўра, йилига ўрта ҳисобда 650-700 минг сайёҳ мамлакатга ташриф буюради. Бу рақамлар мамлакат жами аҳолисидан икки марта кўпдир.

# СУЛТОН ХАССАНАЛ — МИЛЛИАРДЕР, РЕКОРДЧИ

Мамлакат Султони — Хассанал Болкиах 1946 йилда туғилган. Брунейнинг 29-султони ҳисобланган бу инсон Малайзия ва Англиянинг нуфузли олийгоҳларида таҳсил олган. 15 ёшида тахт вориси, 21 ёшида султон деб эълон қилинган. Хассанал Болкиах даврида мамлакат мустақилликка эришган.



АҚШнинг «Forbes» журнали маълумотларига кўра, дунё бойлари рўйхатининг энг юқори ўринларида турадиган (тахминан 40-42 миллиард доллар) султон «Нур-ул Иймон» номли ўта ҳашаматли қасрда яшайди. Бу кошона кўпгина кўрсаткичлари билан Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олган. Мана улар — қаср хоналарининг сони 1788 та (Ватикандаги Папа саройида 1400 та), маросим ва зиёфатлар залига 4000 одам сиғади, ер ости гаражи 400 автомобилга мўлжалланган (улардан 50 таси қимматбаҳо «Роллс-Ройс» маркали), кондиционер билан жиҳозланган каттагина отхона, поло стадиони ва бошқалар. Шу ўринда султон саройига оддий фуқаролар томоша учун фақат бир марта, 15 июнда (султоннинг туғилган куни) киришлари мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

---

Ўзбекистон Енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Марказий кенгашнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича вакиллиги бош ҳисобчиси Утегенов Қдырбайга онаси

**Клара ДАВЛЕТБАЕВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади

---

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши АСМ ходимлари Навоий вилояти Кармана туман кенгаши раиси Ўткир Ражаповга опаси

**МУСАЛЛАМХОН**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

---

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси кенгашнинг собиқ ташкилий ишлар бўлими мутахассиси

**Флора РАСУЛОВА**нинг

вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади

---

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш ходимлари жамоаси Тошкент вилояти касаба уюшма қўмитаси раиси лавозимида ишлаган

**Мавлуда ЙЎЛДОШЕВА**нинг

вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади

Навонинг баҳоси

# Булбул ва қарға

Ёнғоқ дарахти шохидаги булбул берилиб-берилиб чиройли сайрар эди. Ёнига қарға келиб қўнганлигини ҳам сезмай қолди.

— Эй, булбулвой, олдимда ахмоқона қўшиғингни куйлашга уялмайсанми?! — деди унга қарға.

Булбул ўзининг қулоқларига ишонмади. Наҳотки, у ҳақда — булбул ҳақида шундай дейишса-я! Ниҳоятда аччиқланди ва деди:

— Ҳа, ер юткур, менинг қўшиғимни эшитган одамлар маза қилишади. Олтин қафасда сақлашиб, мағзи тўқ дон билан боқишади. Умринг мотамда ўтсин, ҳаромхўр, мен ҳақимда шундай дейсанми? Ўзингда овоз дегани йўқ-ку, менинг устимдан куласан-а?!

— Тинчлан! — жавоб берди қарға. — Шаҳарга учиб борамиз, донолардан сўраймиз, қани ким яхши куйлар экан, фикрларини айтишсин. Шарт шуки, ким енгилса, ғолиб ўшанинг кўзини чўқийди.

Булбул ҳаммасига рози бўлди. Улар бир шаҳарга учиб келдилар. Қарасаларки, бир кўлмакда тўнғиз ётган экан. Унинг ёнига учиб келиб сўрашибди:

— Ўзинг айт, тўнғиз, қайси биримиз яхши куйлаймиз?

— Албатта, қарға!— жавоб берди тўнғиз.— Унинг овози ғоят жарангдор.

Ғолибликдан масрур қарға булбулнинг кўзини чўқиб учиб кетибди. Булбул ҳам ўз ўрмонига парвоз қилибди. Ўша ёнғоқ дарахтига қўниб ғамгин-ғамгин наво қилибди. Унинг овозини эшитган қарға булбулнинг ёнига келибди:

— Эҳ ахмоқ булбул, сен енгилдинг, мана мен сенинг кўзингни чўқиб олдим. Энди қайғу қилишдан нима фойда?

— Мен кўзсиз қолганимга ачинмайман, — жавоб берибди булбул. — Фақат шунинг учун йиғлайманки, ўша онда сенинг гапингга қулоқ солиб, баҳсимизни ҳал қилишни тўнғизга ишонибман. Ахир тўнғиз барибир тўнғиз-да!

## Бир куни Афанди...



**Невараси Афандига:**

***— Бобожон, ухлаяпсизми?***

**Афанди:**

***— Йўқ, болагинам, нима эди?***

***— 1000 сўм беринг...***

***— Ухлаяпман, болам, ухлаяпман..!***

## Афоризм

*Агар Бахт ва Бахтсизлик деб атаганимиз ҳодисаларни Синов сифатида қабул қилсак, уларнинг ҳар иккиси биз учун бирдек фойдали бўлади.*

Лев ТОЛСТОЙ



Самарқанд. Регистон майдони.

# Изоҳи сиздан...





*Қуёшли ёрқин кунда,*
*Ўтирардим супада.*
*Қорним ҳам жуда очиб,*
*Юзимдан рангим қочиб.*

*Ўрдакларга кўзим тушди,*
*Ранглари ҳам оч пушти.*
*Аммо жуда каттадир,*
*Онаси ҳам шўттадир.*

**Нозима АҲМАДБЕКОВА,**
*Тошкент шаҳридаги 279-мактабнинг 9-синф ўқувчиси*

Қани бир бошдан сўзланг,
Аниқ мақсадни кўзланг.
Тушунарсиз сайраманг
Нозик кўнгилни бузманг!
***
Билдим сизни ўрдаклар,
эргашибсиз «Бабоққа»,
Неча кундир кўринмайсиз,
келмадингиз буёққа.
Қочдингиз-да ҳар ёққа,
гап олмасдан қулоққа,
Энди-чи, «Сув юқмас» номин
олганингиз чатоқ-да!

**Рустам САТТОРОВ,**
**Наманган шаҳри**

Ўрдакхон:
Яшаш қандай завқли,
Шеригим тегди жонга.
Бошқасини хоҳладим,
Бораймикан ёнига?

Мушук:
Бир урибла иккисин,
«Инвалид» қилаймикан?
Аста-секин уларни,
Паққос тушираймикан?

**Ҳанифа РЎЗИМАТОВА,**
**Наманган вилояти**



*Энг яхши, энг қувноқ изоҳ эгасига махсус совғамиз бор. Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?*

# Мунажжим башорати

**(16 – 22 апрел)**



ҚЎЙ. Ҳафтанинг биринчи ярми молиявий муаммоларингизни ҳал қилиш учун қулай. Бошқа ишларингиз ҳам, шунингдек, харидингиз омадли бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида муҳаббат бобида ўзгариш рўй бериши мумкин. Якшанба кунини яқинларингиз билан бирга ўтказинг.



БУЗОҚ. Бурж соҳибларига бу ҳафтада ишдаги мувозанатни сақлаш бироз қийин кечади. Шу ойда туғилганларга ойнинг сўнгги ҳафтаси омадсиз келиши мумкин. Аммо севги бобида бирор ўзгариш бўлмаса, ҳаммаси яхшилик билан тугайди.



**ЭГИЗАКЛАР. Янги ҳафтада ўйлаб иш кўринг. Нишонни аниқ олсангиз, ютиб чиқишингиз муқаррар. Хизмат доирангизда сизнинг маслаҳатларингизга риоя қилишади. Агар бирор масалани тезроқ ҳал қилмоқчи бўлсангиз, сизнинг фикрингизни қадрлаётган кишиларнинг гапларига қулоқ солинг. Рақибларингизга беписанд қараманг. Улар ҳам мутахассис эканликларини эсдан чиқарманг.**



**ҚИСҚИЧБАҚА. Олдиндан кўра билиш қобилиятингиз туфайли кўп нарсаларга эришасиз. Нима қилмоқчи эканлигингизни қалбингиздан сўранг, юрагингиз сизни алдамайди. Шахсий ҳаётда эркин кишилар қизиқ одамлар билан учрашадилар. Қалбингизда ишқ туйғулари қўзғалиб қолиши мумкин. Якшанба куни пулингизни шамолга совурманг.**



**АРСЛОН. Ҳафтанинг бошланишидан бутун эътиборингиз ва қобилиятингизни сафарбар этинг. Айниқса, пулли муносабатларга кўпроқ аҳамият беринг. Баҳорги, ёзги мавсум учун янги нарсалар харид қилиш имкониятингиз бор. Чоршанба куни муҳим учрашувлар сизни кутади. Имкониятни қўлдан берманг. Севган кишингиз эҳтиросли бўлиши мумкин. Уни тушунинг ва сабр қилинг.**



**ПАРИЗОД. Янгиланиш учун ажойиб вақт келди. Соғлигингизни яхшилаш дастурини амалга оширинг. Организмингизни чиниқтиришга эътибор беринг. Дармондориларга бой овқатларни кўпроқ истеъмол қилинг. Ижод қилишингиз учун қулай вазият вужудга келади. Чеварликни ҳам ўргансангиз келажагингизга асқотиб қолади.**



**ТАРОЗИ. Ҳафтанинг бошидан мақсадни аниқ қўйинг. Уни муваффақиятли амалга ошира оласиз. Қалб ва вужуд уйғунлиги юзага келади. Мувозанатни йўқотасиз, тақдир сизни ўтдан олиб чўғга ташлаши мумкин. Гўштли таомлар ейишдан сақланинг, зарарли одатларингизни ташланг. Бу сизнинг соғлигингизга ва ташқи кўринишингизга ижобий таъсир этади.**



**ЧАЁН. Бу ҳафтада қалбингиз муҳаббатдан куйлаб юборади. Севгингиз янгиланиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ахир, баҳор муҳаббат фасли. Унча таниш бўлмаган киши билан қизиқиб қоласиз. Севиб қолишдан олдин унинг ғаразли ниятлари йўқлигига ишонч ҳосил қилинг. Агар севгингиз кучайса ҳам, унга билдирмасликка ҳаракат қилинг.**



**ЎҚОТАР. Буburждагилар табиатан меҳнаткаш бўлади. Баъзида ишни ўз ҳолига ташлаб қўйсалар ҳам. Агар ҳамма ишни бирданига қиламан деб чиранмасангиз сизни омад кутади. Аввалги бошлаганларингизни ниҳоясига етказинг. Билимни эгаллаш яхши, лекин бу билан кўп мақтанманг. Атрофингиздагиларнинг сизни тушунмасликлари бироз қайғуга солиши мумкин.**



**ТОҒ ЭЧКИСИ. Бу ҳафтада хотиржамлик билан келажак режаларингизни белгилаб олинг. Агар амалий ҳаракат қилиш вақти келмаган бўлса, нима азиз бўлса шуни сақлаб қолинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмидан вазият ўзгаради. Ҳамкорларингизнинг муносабати ўзгариши мумкин. Яхши ўйлаб кўриб, фаол ҳаракатни бошлашингиз мумкин, қўрқманг. Якшанба куни дам олинг.**



**ҚОВҒА. Ҳафта бошидан учрашувлар, кино ва театр, зиёфатларга борсангиз бўлади. Айниқса, ҳафтанинг ўртаси сизга яхши кайфият ҳадя этади. Аммо келишмовчиликлар, низолар, ғийбатлар чиқиб қолиши мумкин. Уришганларингиз билан ярашинг, муҳаббатингизни изҳор қилинг. Якшанба куни эҳтиросларингиз сусаяди. Тоза виждон билан уйдаги мажбуриятларни бажаришга киришишингиз мумкин.**



**БАЛИҚ. Моддий ҳолатингизни яхшилашда янги имкониятлар очилади. Янги даромад манбаи тўғрисида яхшилаб ўйланг. Асосий ишингиздан бўш вақтингизда қўшимча даромад топиш йўлларини изланг. Эҳтимол кераксиз нарсаларингизни сотарсиз. Ҳар бир уйда бунақа нарсалар тиқилиб ётибди. Янги фаслда қандай кийим олиш ҳақида ҳам ўйлаб кўришингиз мумкин.**

**Ishonch**

**МУАССИС:**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 153-52-78
Хатлар бўлими: 153-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик материаллар Ⓗ белгиси остида чоп этилади.

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи муҳаррир - Ш.Норкулова
Навбатчи - М.Мўминова
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдошев

Саҳифаловчи-дизайнер:
Ж.Юнусов, Ю.Михайловский

Буюртма Г— 314 | Тиражи: 17255

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.30

Сотувда эркин нархда 1 2 3 4 5 7 8